

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338.465.2:338.431**

МИРЗАЕВ КУЛМАМАТ ДЖАНЗАКОВИЧ

**АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

08.00.05 – «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти»

08.00.04 – «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти»

**Иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд-2012

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: иқтисод фанлари доктори, профессор
Қудратов Ғайрат Ҳикматович

Расмий оппонентлар: Ўзбекистон Фанлар академияси академиги,
иқтисод фанлари доктори, профессор
Ғуломов Саидахрор Саидахмедович

иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич

иқтисод фанлари доктори, профессор
Чориев Қурбон Амирович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги

Ҳимоя Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисод
фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
К.067.12.01 рақамли бир марталик Ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил
«_____» _____соат _____да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 9 уй.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот
ресурс марказида танишиш мумкин.

Афтореферат 2012 йил «_____» _____да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

И.С. Тухлиев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Республика иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш шароити аграр секторни тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлашда қишлоқ хўжалиги корхоналари (фермер ва деҳқон хўжаликлари)да ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва самарали фаолият юритишига кўмак берувчи, уларга турли хизматлар кўрсатувчи агросервис субъектларини кўпайтириш ва ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу масалада республикаимиз Президенти И.А.Каримов «Фермерларга механизация хизматлари бўйича кўрсатилаётган ёрдамни кенгайтириш, уларни минерал ўғит, сифатли уруғлик ва кичик технологиялар билан таъминлаш, тегишли ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, лизинг хизмати билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш зарур»¹лиги ва айниқса, «хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши... қишлоқ жойларида бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда»² деб таъкидлаганлар.

Бугунги кунда республикаимиз Президентининг бир қатор фармонлари ва улар асосида қабул қилинган ҳукумат қарорларида қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи агросервис субъектларини устувор ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар асосида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу жараённинг тегишли меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинмоқда.

Лекин, тадқиқотларнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида режали тақсимот ёки марказлашган фонд орқали тақсимлаш тизими айрим унсурлари ҳозиргача ҳам сақланиб, хизмат кўрсатиш корхоналари суст ривожланмоқда, хўжаликларнинг сервис хизматларига бўлган талаблари етарли даражада қондирилмаяпти. Ушбу соҳаларда ҳанузгача соғлом рақобат муҳити шаклланимаган, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг замонавий муқобил нодавлат шакллари ташкил этиш ва зарур инвестицияларни жалб қилиш талаб даражасида эмас. Бу эса ўз навбатида агросервис хизматлари тизимининг шаклланиши ва ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Шунингдек, агросервис хизматлар бозорини шакллантиришнинг институционал асослари номукамаллигича қолмоқда, агросервис корхоналарининг қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидан манфаатдорлик механизми яратилмаган, алоҳида олинган ҳудудлар бўйича уларга бўлган ҳақиқий талаб етарлича ўрганилмаган ва, айниқса, бозор талаблари асосида агросервис хизматларини ривожлантиришда диверсификациялаш ва модернизациялаш жараёнлари ҳисобга олинмаган. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолатнинг мавжудлиги таъкидланган муаммоларни ҳал этишнинг илмий асосланган методологиясининг йўқлиги, шунингдек, бугунги турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига агросервис хизматлар кўрсатиш тизимини босқичма-босқич бозор муносабатларига мос ривожлантириш бўйича ягона стратегиянинг ишлаб чиқилмаганлиги ҳам ушбу

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т.: Ўзбекистон, 2002. - Б. 22 6.

² Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Овози, 2012 йил 21 январь.

йўналишда кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий субъектига айланган фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонлари ўлчамларининг мақбуллашуви, кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтилиши каби сабаблар нафақат агросервис хизматларига бўлган талабнинг кескин ортишига, балки ушбу тизимда диверсификациялаш жараёнини такомиллаштириш заруратига олиб келмоқда. Зотан, ҳозирги шароитда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни сифатли ва арзон агросервис хизматларига бўлган талабини ўз вақтида қондириш жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқдаки, бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига салбий таъсир қилмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, аграр тармоқда сервис хизмати тизими шаклланишининг ҳозирги даражасини минтақалар миқёсида кенг ва чуқур таҳлил қилиш, унинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш энг долзарб масалалардан бири эканлигини эътироф этиш ўринлидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бозор ва муомала соҳалари назариялари асослари ҳамда аграр соҳада агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик муаммоларининг айрим назарий ва услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар – К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, Ф.Котлер, П.Самуэльсон, В.Нордхаус, А.Хоскинг³ асарларида ўз аксини топган. Агросервиснинг у ёки бу йўналишларига оид тадқиқотларни ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари – Л.И.Абалкин, И.Н.Буздалов, И.Я.Петренко, П.И.Чужинов⁴ ва бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин.

Агросервисни ривожлантириш, унинг йўналишларини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш муаммолари мамлакатимизда бир қатор иқтисодчи олимлар, жумладан Э.Акрамов, А.А.Абдуғаниев, А.В.Ваҳобов, А.М.Қодиров, С.С.Ғуломов, Ё.А.Абдуллаев, Қ.А.Чориев, Р.Х.Хусанов, Ч.Муродов, М.Қ.Пардаев, Ф. Назарова, К.А.Ҳасанжонов, Т.Х.Фармонов, Ў.П.Умурзоқов, Ғ.Ҳ.Қудратов, Н.С.Хушматов, Р.Х.Эргашев⁵лар эътиборга молик муҳим илмий изланишлар олиб борганлар.

³ Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Экономикс.-Принципы, проблемы и политика. /В 2 –х томах. Пер.с англ. –Таллин. Римол. 1993. Т.: 1. – 398 с.; Котлер Ф. Основы маркетинга. -М.:Прогресс, 1992.- 734 с.; Самуэльсон Пол А., Нордхаус Вильям Д., Экономика: - М.: Лаборатория базовых знание, 2000. – 800 с.; Хоскинг А., Курс предпринимательства. – М.: Международные отношения, 1993 г. – 478 с.

⁴ Абалкин Л.И. Курс переходной экономика.-М.:Финстатинформ, 1997г.-640 с.; Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепция, опыт, перспективы).-М.,2000. -325с.; Чужинов П.И., Петренко И.Я. Экономика сельскохозяйственного производства. -Алма-ата: Кайнар, 1992г. -560с.

⁵ Акрамов Э.А.,Тоиров Э.А. Экономические реформы в Республике Узбекистан. -М.:ТОО Люкс Арт, 1998. - 220 с.; Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти - Т.: Адабиёт жамғармаси, 2007.- 340 б.; Ваҳобов А.В. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши: озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида тўсқинликлар ва имкониятлар // Ўзбекистон иқтисодиёти, 2006 й., №1. -104-111 б.; Қадиров А.М., Дусматов Ф.Д. Инновационные инвестиционные факторы развития агропромышленного комплекса. – Т.: ИЭАНРУз, 2009 -52 с.; Гулямов С.С. и др. Актуальные проблемы экономики Узбекистана переходного периода.–Т.: 2000,-156 с.; Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари.-Т.: Меҳнат, 2002.-297 б.; Чориев Қ.А., Хушматов Н. Дехкон ва фермер хўжаликларини рағбатлантириш. -Т.: Шарқ 2002. 132 б.; Хусанов Р.Х.. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы.–Т.: Узбекистан, 1994.-72 с.; Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантириш. и.ф.д. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.:

Юқорида номлари қайд этилган иқтисодчи олимларнинг агросервисга оид илмий изланишларининг бу соҳа ривожига қўшган улкан ҳиссаларини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида, хусусан, ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш босқичи талаблари доирасида аграр тармоқда агросервисни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва самарадорлигини ошириш масалалари чуқур ва кенг кўламда алоҳида тадқиқ этилмаган. Айниқса, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган ютуқ ва муаммоларни таҳлил қилиш, хорижий мамлакатлар тажрибаларини умумлаштириш асосида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида агросервисни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим бўлиб, бу ўз навбатида мазкур диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади – агросервис хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида агросервис хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг назарий асосларини, ўзига хос хусусиятлари ва заруриятини илмий-амалий нуқтаи назардан тадқиқ этиш;
- агросервис хизматлари самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ва уларни баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- агросервисни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларини аниқлаш ва уларнинг таъсирини тадқиқ этиш;
- агросервис тузилмалари таркиби ва ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;
- агросервис тизимининг бозор муносабатларига ўтиш босқичлари, агросервис хизматлар бозорининг тармоқлар бўйича таркибий-функционал тузилмалари ва уларнинг институционал асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

2001.- 46 б.; Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. - Т.: Iqtisod-moliya, 2011. -172 б.; Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари. - и.ф.д. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати.- Т.: 2001. - 44 б.; Хасанжонов К.А., Фармонов Т.Х. Реформирование сельского хозяйства и формирование нового типа аграрных отношений. Общество и экономика – М.: 2008. №3 - 104-112 с.; Умурзоков Ў.П. Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики (на материалах Республики Узбекистан). Авт. на соис. уч. степ. д.э.н.-Т.: 2003.-43 с.; Қудратов Ғ.Х. Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғи самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). -и.ф.д. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати.- Т.: 2008.-38 б.; Хушматов Н.С. Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари. Монография. –Т.: Янги аср авлоди. -2004. -125 б.; Ergashev R.X. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. -Т.: Extremum press, 2011. - 416 б.

- агросервис субъектлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

- агросервиснинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш ва уларнинг республикаимиз минтақалари шароитига мос йўналишларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- чорвачиликда агросервисни модернизациялаш моделини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш механизмлари бўйича илмий-амалий таклифлар тайёрлаш;

- истикболда (2015 йилга) агросервис хизматлари самарадорлигини ошириш ва агросервисни ривожлантиришни башорат қилиш асосида илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси аграр тармоқ тизимига хизмат кўрсатувчи агросервис тузилмалари мажмуаси танланди.

Тадқиқот предмети бўлиб агросервиснинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари ҳамда агросервис корхоналари билан иқтисодиётнинг бошқа субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот натижаларидан олинган муҳим илмий ечимлар ва амалий тавсиялардан фойдаланиш истикболда агросервис тизимини модернизациялаш ва диверсификациялаш талабларига мос ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига арзон ва сифатли агросервис хизматларини кўрсатиш, агросервис субъектлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини интенсив ошириш имконини беради.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик ва иқтисодий таҳлил, динамик қаторлар, илмий абстракциялаш, монографик, таққослаш, корреляция - регрессия, эксперт баҳолаш ва SWOT таҳлили, башоратлаш усулларида фойдаланилган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида агросервис хизматларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари илмий асосланганлиги;

- агросервис хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг яратилганлиги ва уларни ҳисоблаш услубиятининг ишлаб чиқилганлиги;

- аграр соҳада агросервис хизматлари самарадорлигини баҳолаш услубиятининг такомиллаштирилганлиги ва хизмат тўловлари бўйича таклиф этилган дифференцияланган баҳоларни қўллаш натижасида хизматлар самарадорлигининг 3-4 % га оширилганлиги;

- иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш талабларига жавоб берадиган агросервис тузилмалари хизматларини диверсификациялашга асосланган таркиби ишлаб чиқилиши натижасида Самарқанд вилоятидаги муқобил МТПларда самарадорлик даражаси 3-4 % га оширилиб, қўшимча 186,9 млн. сўм даромад олинганлиги;

- агросервис тузилмаларини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилганлиги;

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва агросервис хизматлар бозорининг тармоқлар бўйича таркибий-функционал тузилмаларининг илмий асосланганлиги;

- иқтисодийни эркинлаштириш шароитида агросервис субъектлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, шунингдек, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича берилган тавсияларни қўллаш натижасида фермер хўжаликлари ҳамда агросервис субъектлари рентабеллик даражасининг қўшимча 4,5-5,0% га ошириш мумкинлиги;

- бозор иқтисодиёти шароитида агросервиснинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, агросервис корхоналарининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва иш юритиш тизимини соддалаштириш, тезкор ахборот билан таъминлаш бўйича берилган тавсиялар натижасида иш ҳажмининг 4-5 % га камайганлиги;

- чорвачиликда агросервисни модернизациялаш моделини жорий этиш бўйича таклифларни амалиётга қўллаш натижасида чорвачиликдан олинадиган даромадни қўшимча 2,5-3,0 % га ошириш имкониятига эга бўлинганлиги;

- истиқболда агросервис хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни таъминлайдиган 2015 йилга мўлжалланган илмий башоратнинг ишлаб чиқилганлиги.

Илмий янгилиги:

- «агросервис хизматлари» ва «агросервис хизматлар бозори» тушунчаларига муаллифлик таърифи берилди ҳамда агросервис хизматларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва улар самарадорлигини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- иқтисодийни эркинлаштириш ва модернизациялаш талабларига жавоб берадиган агросервис тузилмаларининг таркиби кўрсатилаётган хизматлар диверсификацияси асосида ишлаб чиқилиб, уларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар берилди;

- агросервис тузилмаларини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар таснифий нуқтаи назардан аниқланилиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида агросервис хизматлари бозорининг тармоқлар бўйича таркибий-функционал тузилмалари илмий асосланилиб, SWOT таҳлили услубияти натижалари асосида уларнинг институционал, иқтисодий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилди;

- агросервис субъектлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни, шунингдек, агросервис хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- агросервис тузилмалари самарадорлигини оширишда кластер ёндашувига асосланган ҳамда хизматлар харажатларини камайитиришга доир илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- чорвачиликда агросервисни модернизациялаш модели ва уни жорий этиш механизмлари бўйича илмий-амалий таклифлар берилди;

- истиқболда деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларига кўрсатиладиган агросервис хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари, концептуал йўналишлари ҳамда агросервисни ривожлантиришнинг 2015 йилга мулжалланган илмий асосланган прогноз кўрсаткичлари асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг **илмий аҳамияти** республикамиз қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган сервис хизматлари ва агросервис хизматлари бозорининг назарий асосларини тадқиқ этишда, агросервис хизматлари самарадорлигини ҳисоблаш тизими ва баҳолаш услубиятини такомиллаштиришда, агросервисга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳамда олинган илмий хулоса ва башоратлар натижаларидан махсус фундаментал илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, Фермер хўжаликлари уюшмалари тизимига хизмат кўрсатувчи диверсификациялашга асосланган агросервис тузилмаларини такомиллаштиришда, агросервис субъектлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда, иш юритиш тизимини соддалаштиришда, агросервисни модернизациялаш моделини жорий этиш ҳамда мақсадли давлат дастурлари ва қарорларини ишлаб чиқишда, шунингдек, олий ўқув юртларида талабаларнинг шу соҳадаги билимларини ошириш мақсадида ўқитиш ва ўқув дастурларини тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган амалий ишланма ва тавсияларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси (№04/4-476 27.04.2011-сонли маълумотнома), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (№2/7 14.02.2012-сонли далолатнома), Иқтисодиёт вазирлиги Самарқанд вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси (№01-13/172 08.04.2011 сонли далолатнома) ҳамда Самарқанд вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (06.12.2012 йилдаги № 05/03-12-95-сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

Диссертациянинг асосий натижалари «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар II ва III республика ярмаркаси»да «Фермер хўжаликларида сервис хизматларини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш» (II ва III-республика ярмаркаси, Тошкент, 2009, 2010) мавзуси бўйича амалиётга қабул қилинган (№223 15.04.2011-сонли маълумотнома). Шунингдек, диссертация натижаларидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида (№27 08.09.2010-сонли далолатнома) «Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти», «Корхоналар иқтисодиёти» каби фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Илмий изланиш натижалари хорижий дав-

латлар ва республика миқёсида ўтказилган бир қатор илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган. Жумладан, «Сибирская деревня: история, современное состояние и перспективы развития» (Россия, Омск, 2002, 2004), «Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» (Тошкент, 2004), «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш муаммолари» (Самарқанд, 2007), «Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари» (Самарқанд, 2009), «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» (Самарқанд, 2010), «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қуйи Амударё минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омиллари» (Урганч, 2011), «Теория и практика учёта, анализа, аудита и статистики в России и странах СНГ» (Россия, Тамбов, 2011), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон тараққиёти ва халқ фаровонлигини ошириш истиқболлари» (Тошкент, 2011) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Иқтисодиёт», «Менежмент ва статистика» кафедраларининг кенгайтирилган йиғилишида ҳамда шу институт ҳузуридаги К.067.12.01 рақамли бир марталик Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижаларининг асосий мазмуни ҳажми 29,1 босма табоқда чоп этилган 40 та илмий мақола ва тезисларда (шу жумладан, хорижий илмий нашрларда инглиз тилида иккита мақола) ҳамда 2 та монографияда ўз ифодасини топган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибан кириш, бешта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 27 та жадвал, 29 та расм ва 3 та иловани ўз ичига олган ҳолда умумий ҳажми 295 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб республикамызда реал тармоқларни таркибий қайта шакллантириш ва ривожлантириш билан бир қаторда уларга турли хизматлар кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини диверсификациялаш, энг муҳими эса иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизматлар ҳажми, сифати ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ стратегик аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишга устувор даражада эътибор қаратилмоқда ва бу, бизнингча, тўғри ёндашишдир.

Хусусан, мамлакатимизнинг асосий реал тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигининг келгуси тараққиётини белгиловчи муҳим соҳалардан ҳисобланган агросервис тизимини бозор муносабатлари талабларига мос ривожлантириш, аграр хўжалик юритиш субъектларига кўрсатиладиган хизматлар мажмуаси самарадорлигини ошириш устувор вазифалар сифатида ҳал этилмоқда.

Бу эса ўз навбатида ҳозирги пайтда асосий, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган хўжалик юритиш субъектлари сифатида тан олинган

фермер ва деҳқон хўжаликларига агросервис хизмати кўрсатиш орқали қишлоқ хўжалигида арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар яратмоқда. Зеро, бозор муносабатлари ривожланган ва татбиқ этилган сари ишлаб чиқариш субъектлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, агросервис хизматларининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг талаб этилиши табиий ҳолдир.

Юқорида асослаб берилган стратегик мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда биринчи навбатда гносеологик нуқтаи назардан, яъни, билиш назарияси доирасида «агросервис» атамасининг диалектик асослари, хусусан, унинг мазмун-моҳияти, шаклланиш жиҳат ва йўналишлари, хусусиятлари, ўрни ва аҳамиятининг илмий-назарий қирраларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, «агросервис хизматлари», «агросервис хизматлари бозори» тушунчаларига такомиллашган муаллифлик таърифи берилиб, бунда уларнинг алоҳидалик тамойилидан ташқари, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик, уйғунлик ва тўлдирувчанлик тамойиллари асосида ривожланиш қонуният ва хусусиятлари очиб берилди.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш дейилганда - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият тушунилади. Сервис эса замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳа ва субъектларида инсонларнинг юзага келадиган истеъмол талабларини таъминлаш мақсадида кўрсатиладиган турли хил хизматлар мажмуини ифодаловчи тушунчадир.

Бинобарин, хизмат кўрсатиш ва сервис бир бирига чамбарчас боғлиқ ва инсонларнинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун жамият ва турмушда содир бўладиган муайян мақсадларга йўналтириладиган фаолиятлар мажмуасидан иборатдир. Лекин, шу ўринда таъкидлаш лозимки, инсонларнинг истеъмол эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳар қандай фаолият аксарият ҳолларда хўжалик субъектлари тизими ва доирасида амалга оширилади. Шу сабабдан, яъни, хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини самарали ташкил қилиш ва ривожлантириш нуқтаи назардан, «сервис хизмати кўрсатиш» атамаси ва тушунчасини иқтисодий муомала жараёнига киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

У ҳолда сервис хизмати кўрсатиш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: сервис хизмати кўрсатиш инсонларнинг замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида бир бирига боғлиқ равишда юзага келадиган истеъмол эҳтиёжларини ўзаро ҳамкорлик ва уйғунлик асосида қондиришга қаратилган даромад келтирувчи ҳаракат ва мақсадлар мажмуасини ифодаловчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган фаолият туридир. Агросервис хизматлари эса бу бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳа тизимида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, шу жараёнда замонавий техника ва технологияларга асосланган ҳолда истеъмолчилар талаб ва таклифларини ўзаро уйғун-

ликда шакллантирувчи ҳамда уни амалга ошириш даврида даромад келтиришга йўналтирилган мақсадга мувофиқ фаолиятлар мажмуидир.

Юқоридаги илмий-назарий таъриф ва фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда тадқиқот жараёнида агросервис хизматлари самарадорлигини баҳолаш меъзон ва кўрсаткичларини тизимлаш муаммоларини ўрганишга алоҳида ўрин берилди. Фикримизча, агросервис хизматлари самарадорлигининг энг муҳим мезонларидан бири бу аграр соҳада агросервис хизматлари истеъмолчилари талабининг агросервис субъектлари хизматлари таклифи билан қондирилиш даражаси тариқасида ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, мавжуд агросервис хизматларга бўлган қўшимча талабни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\sum Ad = \sum Ed - (Fas + Ias + Aas) \quad (1)^6$$

Бу ерда: $\sum Ad$ – ҳудуд бўйича агросервис субъектлари хизматларига бўлган қўшимча талаб, минг сўм;

$\sum Ed$ – агросервис хизматларига бўлган меъёр асосидаги жами талаб, минг сўм;

Fas – қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан агросервис хизматларини ўзи таъминлаш имконияти, минг сўм;

Ias – шу ҳудуддаги бошқа корхона, ташилот (субъект)лар томонидан агросервис хизматларини таъминлаш имконияти, минг сўм;

Aas – агросервис корхоналари томонидан сервис хизматларини бажариш имконияти, минг сўм.

Шунингдек, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишлари олиб борган иқтисодчи олимларнинг услубий ёндашишларини ҳисобга олган ҳолда ишда агросервис хизматлари самарадорлигини аниқлаш усуллари тадқиқ этилди. Бизнинг фикримизча ҳам, агросервис хизматлари самарадорлиги кўрсаткичини қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлардан олинган даромадни шу хизматлар учун қилинган харажатларга нисбати орқали мутлоқ ёки нисбий кўрсаткичларда аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Яъни, бунда бир сўмлик харажат эвазига олинган даромад суммаси (сўм/сўм) кўринишида ёки ушбу кўрсаткични 100 га кўпайтириб, уни фоизда ифодалаш мумкин. Ҳар иккала ҳолат учун ҳам қуйидаги формула ишлатилади:

$$CA\% = \frac{\sum D}{\sum X} = \frac{DAX + DQX + DEX}{SMX + SUX} \quad (2)^7$$

Бу ерда: $CA\%$ – агросервис хизматлари самарадорлиги, сўм/сўм ёки %да;

$\sum D$ – агросервис хизматларидан олинган жами даромад, минг сўм;

$\sum X$ – агросервис хизматлари учун жами харажатлар, минг сўм;

DAX – асосий кўзланган хизматдан келган даромад, сўм;

DQX – қўшимча қилинган хизматдан келган даромад, сўм;

DEX – эҳтиёж асосида алоҳида хизматдан олинган даромад, сўм;

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

*SMX-хизмат кўрсатиши билан боғлиқ доимий харажатлар (сарфлар), сўм;
SUX-хизмат кўрсатишидаги ўзгарувчан харажатлар (сарфлар), сўм.*

Бирок, бугунги кунда, диссертацияда таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи субъектлар сонини ўзгариб турганлиги ва улар ер майдонлари ўлчамининг мақбуллаштирилаётганлиги, шунингдек, аксарият фермер ва деҳқон хўжаликларида ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисоботнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳам ўз навбатида агросервис хизматларини баҳолаш ишларини мураккаблаштириб, қолаверса, хўжалик юритиш шаклларининг ўзига хос жиҳатлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимидан бирдек фойдаланиш мумкин эмаслигини асослаб бермоқда.

Шу билан бирга, агросервис хизматлари самарадорлигини услубий жиҳатдан баҳолашда агросервис хизматларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида кўрсаткичларни бир тизимга келтириш хизматлар самарадорлигини объектив баҳолаш имконини беради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида бозор механизмларининг кенг жорий қилиниши улар фаолияти самарадорлигини аниқлаш масаласига ҳам янгича ёндашишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан агросервис хизматларини баҳолаш масаласи бўйича бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган эътиборга молик тадқиқотларни эътироф этиш ўринлидир. Улар алоҳида хизмат турлари самарадорлигини аниқлаш бўйича мустақил изланишлар олиб борган ва ўзига хос муҳим натижалар олганлар. Бирок, комплекс қамраб олувчи тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги боис мазкур изланиш доирасида агросервис хизматлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари бир тизимга келтирилди (1-жадвал).

Бизнингча, агросервис хизматлари самарадорлигини уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда баҳолашни илмий ёндашиш нуқтаи назардан тўғри, деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, баҳолаш натижалари қишлоқ хўжалик корхоналарининг агросервис корхоналари томонидан бажарилган иш ва хизматлар натижасида қай даражада иқтисодий самарадорликка эришишини реал акс эттириши лозим. Шу боисдан олиб қараганда, агросервис корхоналари фаолияти самарадорлигини динамик (йиллар бўйича) ва интенсивлик (хизматлар самараси) даражасини ифодаловчи кўрсаткичларда баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Агросервис хизматлари нархларининг тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида уларни баҳолашда, айниқса, йиллар бўйича таҳлил қилинганда, ҳаққоний ҳолатни акс эттиришда мутлоқ ва нисбий миқдор кўрсаткичларидан фойдаланиш билан бир қаторда тегишли аниқликлар киритиш асосида қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш орқали тежамкорлик нуқтаи назардан бир қатор муҳим ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар белгилаш ва уларни оқилона амалга ошириш имкониятини яратади. Шу боисдан ҳам, бизнинг фикримизча, республикамиз қишлоқ хўжалигида кўрсатилаётган агросервис хизматлари самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида хизмат кўрсатиш жараёнида эришилган рентабеллик даражасини қабул қилиш ўринлидир.

Агросервис хизматлари самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш тартиби⁸

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби	Изоҳ
1.	Ресурслардан фойдаланиш коэффициенти	$K_{pc} = \frac{\sum ACX}{P_i}$	$\sum ACX$ - кўрсатилган i-агросервис хизматлар миқдори P_i - i ресурс тури (ходимлар сони, техника, ер майдони ва ҳ.к.)
2.	Вақтдан фойдаланиш коэффициенти	$K_t = \frac{\sum ACX}{\sum T}$	$\sum T$ - i хизмат турини бажаришга сарфланган вақт (иш/куни, одам сони ва ҳ.к.)
3.	Агросервис хизмати кўлами коэффициенти	$K_{acx} = \frac{\sum ACX}{M_i}$	M_i - i маҳсулот миқдори (сони, қиймати, ҳажми ва ҳ.к.)
4.	Агросервис хизмат кўрсатиш самарадорлиги	$CAx = \frac{\sum D}{\sum X}$	$\sum D$ - агросервис хизматларидан олинган жами даромад $\sum X$ - агросервис хизматлар учун жами харажатлар
		$\Delta M = (M_{ACX} - M)$	M_{ACX} - агросервис хизмати кўрсатгандан кейинги маҳсулот кўлами M_i - агросервис хизмати кўрсатмагунча бўлган маҳсулот кўлами ΔM - ACXни кўрсатиш эвазига яратилган қўшимча қиймат
5.	Агросервис хизматлари салмоғи (%)	$D_{acx} = \frac{X \cdot ACX_i}{\sum X_i} * 100$	$X \cdot ACX_i$ - i агросервис хизматлари учун сарфланган харажат $\sum X$ - i хизмат тури учун жами қилинган харажат
6.	Агросервис хизматлари учун қилинган инвестициялар кўлами	$K_{инв} = \frac{\sum ИНВ_i}{\sum ACX}$	$\sum ИНВ_i$ - жами жалб қилинган инвестиция (сўм) $\sum ACX$ - жами агросервис хизматлари кўлами (сўм)
7.	Агросервис хизматлари кўрсатишнинг муттасиллик даражаси	$K_{мд} = \frac{ACX_x}{ACX_{мм}}$	ACX_x - агросервис хизматини кўрсатиш муддатининг ҳақиқий кўрсаткичи $ACX_{мм}$ - агросервис хизмати кўрсатишнинг меъёрий муддати
8.	Агросервис хизматини кўрсатувчи ходимлар таркиби	$D_{олм} = \frac{XKX_{олм}}{\sum XKX}$	$XKX_{олм}$ - олий маълумотга эга бўлган АХС хизмати кўрсатаётган ходимлар $\sum XKX$ - жами агросервисда банд бўлганлар сони
9.	Хизмат кўрсатиш (агросервис хизмати) рентабеллиги (%)	$R_x = \frac{\sum F}{\sum X} * 100$	$\sum F$ - агросервис хизматини кўрсатиш эвазига олинган жами соф фойда

Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш рентабеллигини аниқлаш учун фермер ва деҳқон хўжаликларида амалга оширилган барча агросервис хизматлари натижасида олинган соф фойдани кўрсатилган шу хизматлар харажатлари (хизмат кўрсатиш билан боғлиқ доимий ва ўзгарувчан харажатлар) суммасига бўлиб, юзга кўпайтириш керак, яъни:

$$R_x = \frac{\sum F * 100}{\sum X} = \frac{\sum F}{SMX + SUX} * 100 \quad (3)^9$$

⁸ Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу ерда: R_x - хизмат кўрсатиш рентабеллиги, %


$\sum F$ -хизмат кўрсатишдан олинган жами соф фойда, сўм;

SMX -хизмат кўрсатиш билан боғлиқ доимий харажатлар, сўм;

SUX -хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ўзгарувчан харажатлар, сўм.

Ишда республикамизда агросервис субъектларини ривожлантириш ва кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида банд бўлганлар сонини мақбуллаштириш, илмий асосланган меъёрларга мувофиқ келтириш, бандлик таркибини ўзгартириш, хизмат кўрсатиш ва таъминот тузилмаларида банд бўлган ишчи ходимлар салмоғини ошириш, шунингдек, қишлоқ аҳолисини нисбатан юқори даромад келтирувчи агросервис фаолият турларида банд қилиш имкониятлари асослаб берилган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида сифатли хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун 2010 йилда республика бўйича 1404 та минибанк, 1720 та муқобил МТП, 1711 та СИУ, 917 та агрокимё ва минерал ўғит, 1377 та ёқилғи-мойлаш материаллари ва 424 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шохобчалари, 2540 та зооветеринария ва наслчилик хизмати, 301 та ахборот таъминоти ва консалтинг, 82 та транспорт, 78 та тара-идишлар таъминлаш хизматлари шохобчалари ҳамда 267 та агрофирма ташкил этилган. Шунингдек, диссертацияда монографик тадқиқотлар олиб борилган Самарқанд вилоятида ҳам бундай агросервис субъектлари таҳлил қилинди (1-расм).



1-расм. Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи агросервис субъектлари сонининг ўзгариши (2002-2010 йиллар)¹⁰

¹⁰ Ўз. Р. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Демак, республикамиз қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш тизимини бозор муносабатларига ўтиш босқичларида белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиш даражасидан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда агросервис хизматлари бозори шакллантирилган деган хулоса қилишга тўлиқ асос бор, деб ҳисоблаймиз.

Аммо, тадқиқотлар натижалари ва амалиёт тажрибалари ҳукумат қарорлари асосида агросервис тизимини диверсификациялаш, яъни, агросервис хизматлари истеъмолчилари эҳтиёжларини қондира оладиган турли йўналишлардаги шохобчаларни ташкил этиш масаласига янада чуқурроқ ва кенгроқ ёндашиш лозимлигини кўрсатмоқда. Изланишларимизнинг гувоҳлик беришича, қарорларда белгиланган агросервис шохобчаларининг айримлари ҳозиргача ташкил қилинмаган. Бунга эса, ўз навбатида, бир қатор омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда, жумладан, ташкил этилаётган аксарият агросервис субъектларида моддий-техника базасининг ўта заифлиги ва эркин молиявий маблағларнинг етишмаслиги, айрим турдаги шохобчаларни ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги ва бошқалар. Диссертацияда ушбу ва бошқа салбий омилларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

Бизнинг фикримизча, аграр тармоқда агросервисни ташкил этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб ушбу тизим объектларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга яқин бўлган масофада ва улар хизматидан фойдаланишга қулай шарт-шароитларни яратган ҳолда жойлаштириш ва ривожлантириш ҳисобланади. Бу масалага ҳам етарли даражада эътибор қаратилмаётганлиги ўз навбатида хизматларга бўлган талабнинг ошиши шароитида уларни ўз вақтида арзон ва сифатли бажариш муаммоларини ҳал этишга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг мавсумийлик хусусияти агросервис корхоналарининг ҳам шунга мос равишда фаолият юритишини тақозо этиб, уларни ташкил этиш жараёнида қишлоқ хўжалигининг мавсумийлик характери ҳисобга олиниши ва ҳар бир мавсумий тадбирларнинг агросервис хизматларига бўлган талаби тўлиқ бажарилиши лозим. Агросервис хизматларини ривожлантиришга таъсир этувчи барча омиллар ичида тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, табиий омилларни алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Тадқиқот ишида юқоридаги омилларнинг тавсиф ва хусусиятлари очиқ берилган. Таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари шароитида агросервис хизматлари иқтисодий категория сифатида ўзининг бир қатор хусусиятларига эга ва улар, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликларини фақатгина ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишларига имкон беради ва сервис хизмати кўрсатиш вазифаларидан озод этади;

- агросервис субъектлари бевосита моддий неъматлар яратмасада, аммо улар фаолиятини ривожлантиришга маблағ сарфлаган субъектларга ҳам, улар хизматидан фойдаланган хўжаликларига ҳам қўшимча даромад олиш имконини яратади;



2- расм. Агросервисни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар¹¹

–қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширади, меҳнат тақсимотини мақбуллаштириб, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлик муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

Аммо, республикаимиздаги агросервис хизматлари бозори (АХБ) иштирокчиларидан ҳисобланган агросервис субъектлари фаолиятида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим, жумладан:

- фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи агросервис субъектлари ўртасида ҳукукий, ташкилий ҳамда иқтисодий муносабат ва механизмларнинг етарли даражада шаклланмаганлиги натижасида ўзаро шартномавий ҳисоб–китоблар ва мажбуриятларнинг ўз вақтида, тўлиқ бажарилмаёт-

¹¹ Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

ганлигининг салбий оқибатларни келтириб чиқариши;

- моддий ресурслар таъминоти, техника ва банк хизматлари кўрсатувчи инфратузилмаларининг монопол мавқега эга эканликлари ва бу борада рақобат муҳити шаклланмаганлиги натижасида улар томонидан фермер хўжаликларига етказиб берилаётган моддий ресурслар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар нархларининг ўсиш тенденцияси мавжудлиги;

- давлат эҳтиёжи учун етиштирилаётган маҳсулотлар бўйича ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдорининг пастлиги ва бунда Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа минтақалар шароити ҳисобга олинмаётганлиги ва тижорат банклари хизматларининг талаб даражасида эмаслиги;

- қишлоқ ҳудудларида янги хизмат кўрсатишга ихтисослашган агросервис субъектлари шохобчаларининг етишмаслиги ва мавжудларининг иш фаолияти самарадорлигининг пастлиги ва бошқалардан иборат.

Агросервис хизматлари, бир томондан қишлоқ хўжалиги субъектларининг юқори самарали ишлашини ташкил этиб, молиявий хўжалик фаолиятининг рентабеллик даражасини ошириши, иккинчи томондан эса, ўсиб бораётган қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш манбаларидан бири сифатида ривожланиши, демак, АХБи асосий сегментлари ва иқтисодий муносабатларининг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш лозим (3-расм).



3-расм. Агросервис хизматлари бозорининг асосий сегментлари ва йўналишлари¹²

¹² Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Бу муносабатлар хизматни истеъмол қилувчилар билан агросервис хизматини амалга оширувчилар ўртасида товарлар (маҳсулотлар, хизматлар), пул, меҳнат ресурслари, ахборотлар ҳаракатини таъминлашда вужудга келадиган муносабатлар бўлиб, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан мутаносиб фаолият юритиши ва барқарор ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Республикада агросервис хизматлари бозорининг ўзига хос муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- республикада агросервис хизматлари бозори туйинмаган бозорлар сирасига киришлиги (яъни, хизматларга бўлган эҳтиёж етарлича қондирилмаганлиги);
- агросервис хизматлар бозори тармоқ хусусиятига эга (фақат бир тармоқ қишлоқ хўжалик тармоғида амал қилиши) эканлиги;
- агросервис хизматлар бозорида вақтнинг даврийлиги (қишда амал қилмайди), табиий иқлим шароитига боғланганлиги;
- агросервис хизматлар бозори алоҳида олинган бозор эканлиги, ҳуқуқий институционал асослари ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш зарурлиги, техника-технологияни ривожланган даражасига боғлиқлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикада фаолият юритаётган агросервис хизматлари бозорини ривожлантиришининг SWOT¹³ таҳлили ўтказилди (2-жадвал).

Мазкур SWOT таҳлил агросервис хизматлари бозорини республикадаги кейинги тараққиётини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида агросервис хизмат кўрсатиш тизимини босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтказиш зарурияти қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- мамлакат бўйича, айниқса, қишлоқ ҳудудларида агросервис хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ривожланиш даражаси улар хизматида фойдаланувчи хўжалик субъектларининг ривожланишидан орқада эканлиги. Агросервис хизмат кўрсатиш шохобчалари ривожланишининг дастлабки давридаги молиявий қийинчиликлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари тўлов қобилиятининг нисбатан пастлиги, малакали кадрлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги уларнинг жадаллик билан ривожланишига тўсқинлик қилаётганлиги;

- республика қишлоқ хўжалигидаги агросервис хизмат кўрсатиш тизимида тўлақонли рақобат муҳитининг юзага келмаганлиги. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарига рақобатчи бўлган хусусий, акциядорлик ёки бошқа шаклдаги корхоналарни ривожлантириш учун алоҳида имтиёзли шароитлар яратишнинг зарурлиги, уларни ривожлантириш учун ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун етарлича ҳуқуқий ва меъёрий асосларнинг яратилмаганлиги;

- агросервис корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматларга бўлган талаб ва таклифнинг маҳсулотлар бозоридаги талаб ва таклифдан бир мунча фарқ қилиши, яъни хизмат кўрсатиш шохобчалари томонидан етказиб бериладиган ресурслар ва хизматларга бўлган талаб-нинг йил давомида ўзгариб туриши;

¹³ SWOT – стратегик режалаштиришдаги таҳлил усули бўлиб, омил ва ҳодисаларни 4 та гуруҳга ажратишни назарда тутди. Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (заиф томонлари), Opportunities (имкониятлари) ва Threats (таҳдидлар). SWOT атамаси илк бор АҚШлик профессор К.Эндрюс томонидан киритилган.

**Республикада агросервис хизматлари бозорини ривожлантиришнинг
SWOT таҳлили¹⁴**

Кучли томонлар	Заиф томонлар
• давлат дастурларининг мавжудлиги ва уларнинг агросервис хизматларини ривожлантиришга мос эканлиги; • агросервис хизматларини ривожлантириш бўйича банк, молия, солиқ, суғурта тизимини яратилганлиги; • қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан агросервис хизматларига талабнинг юқорилиги; • қулай ташқи инвестициялар муҳитини яратилганлиги; • қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланиш устуворлиги.	• молиявий маблағлар етишмаслиги бўйича муаммоларнинг мавжудлиги; • агросервис хизматлари бўйича алоҳида қонуннинг мавжуд эмаслиги; • агросервис корхоналарда моддий-техника базасининг талаб даражасида эмаслиги; • агросервис хизматлари бозори конъюктурасини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг ҳудудлар бўйича ўтказилмаганлиги; • сифатли агросервис хизматларини амалга ошириш учун малакали кадрлар етишмаслиги.
Имкониятлар	Таҳдидлар
• ҳукумат томонидан агросервис хизматларининг ривожига алоҳида эътибор берилаётганлиги; • агросервис хизматлари бозорида агросервис субъектларининг бозорга тез мослашувчанлиги; • инвесторларнинг фермер ва деҳқон хўжаликларига кўрсатилаётган сервис хизматларини ривожлантириш бўйича инвестиция қўйиш истагининг мавжудлиги; • фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда агросервис субъектлар ўртасида тизимли шартномавий алоқаларнинг мавжудлиги; • қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш ўринлари, даромадини ошириш имкониятининг мавжудлиги.	• республикада демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги; • республика ҳудудлари бўйича агросервис хизматлари бозори турли даражада ривожланганлиги; • хизматлар учун тўлов баҳоларининг ўзгарувчанлиги; • сифатсиз ва ўз вақтида амалга оширилмаган хизматлар натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги юқотишлар; • агросервис хизматлар бозорида янги хусусий рақобатчиларни чуқур ўрганилмаганлиги; • турли кутилмаган ўзгаришлар ва фавқулодда ҳолатларнинг пайдо бўлиш мумкинлиги.

- баъзи техник ва иқтисодий сабабларга кўра айрим хизмат кўрсатиш тармоқлари (масалан, электр таъминоти, автомобиль транспорти)нинг бозорда монопол мавқега эга бўлиб қолиши натижасида уларда олинадиган фойданинг ҳаддан ташқари ортиб кетишига имконият яратилиши ва бунинг натижасида уларнинг хизматларидан фойдаланувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан зарар кўриши мумкинлиги. Бинобарин, қишлоқ хўжалигига сервис хизматлари кўрсатиш ва моддий-техника ресурслари етказиб бериш тизимини ривожлантириш бу тизимни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтказиш асосида амалга оширилиши лозим. Изланиш натижаларига асосан ушбу босқичлар камраб оладиган даврлар ҳамда уларнинг энг муҳим йўналиш ва вазифалари илмий-амалий нуқтаи назардан асослаб берилди.

¹⁴ Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Бироқ, шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги босқичлар бўйича асослаб берилган йўналиш ва вазифаларни амалга оширишнинг муҳимлик даражасини баҳолаш қишлоқ хўжалиги субъектларига кўрсатилаётган агросервис хизматларининг самарадорлигини илмий-амалий жиҳатдан тўғри аниқлашга чамбарчас боғлиқдир. Чунки, бу икки вазифани бир бирига таъсири доирасида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, кўрсатилаётган агросервис хизматларининг республика миқёсида деҳқончилик маҳсулотлари (шу ўринда пахта ва дон) ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири таққослаш усули ёрдамида ўрганилди. Бунда агросервис субъектлари тизимли шакллангунча бўлган давр (1999-2001 йиллар бўйича ўртача) ва улар тизимли фаолият кўрсатган кейинги (2008-2010 йиллар бўйича ўртача) давр кўрсаткичлари таққослаш учун асос қилиб олинди (3-жадвал).

3-жадвал

Республикада агросервис хизматлари самарадорлигининг қиёсий таҳлили¹⁵

№	Кўрсаткичлар	1999-2001 йиллар	2008-2010 йиллар	2008-2010
		Агросервис субъектлари фаолияти тизимли шакллангунча	Агросервис субъектлари тизимли фаолияти асосида	йиллар 1999-2001 йилларга нисбатан, % да
1.	Маҳсулот етиштириш:			
	- пахта, минг тонна	3288,3	3409,7	103,7
	- дон, минг тонна	3608,0	6739,9	186,8
2.	Ҳосилдорлик:			
	- пахта, ц/га	22,9	24,9	108,7
	- дон, ц/га	28,1	44,4	158,0
3.	Маҳсулот бирлиги учун меҳнат сарфи, киши/соат:			
	- пахта	72,7	70,3	96,7
	- дон	13,9	9,4	67,6
4.	Маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келадиган фойда (+), зарар (-), сўм:			
	- пахта	-1098,6	+43414,5	+44513,1 сўм
	- дон	+47,2	+43324,4	+43277,2 сўм
5.	Рентабеллик(+), зарарлилик (-) даражаси, %:			
	- пахта	-23,9	+10,1	+34,0 пункт
	- дон	+5,1	+26,9	+21,8 пункт

Жадвал маълумотлари асосида умумий хулоса қилиб айтганда, агросервис хизматлари субъектларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, масалан, пахта ва дон етиштириш самарадорлик кўрсаткичларининг ижобий томонга кескин ўзгаришига олиб келган. Бу ўз навбатида келажакда қишлоқ хўжалик,

¹⁵ Ўз.Р. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари бозорининг тўйинишига кенг имкониятлар яратади. Бугунги кунда республика қишлоқ хўжалигида деҳқончилик маҳсулотлари ва агросервис хизматлари бозорларини ривожлантиришнинг жуда катта ички имкониятлари мавжуд. Шунингдек, диссертацияда деҳқончилик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф асосида деҳқончилик агросервис хизматлари бозорининг сегментларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари илмий асослаб берилган.

Республикада деҳқончиликни ривожлантириш, бозордаги ўзгарувчан талаб ва таклиф асосида сифатли маҳсулот етиштиришни ташкил этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларида хизмат кўрсатувчи агросервис хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг аҳамияти ва самарасини инобатга олиб, бизнинг фикримизча, ундаги мавжуд агросервис хизматлари турларини ихтисослик йўналишлари ва хусусиятлари бўйича техник хизмат кўрсатиш, ресурслар таъминоти, молиявий маблағлар ва иқтисодий ахборотлар таъминоти бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқдир. Диссертация ишида уларнинг алоҳида ўрни, аҳамияти ва ўзаро боғлиқлик хусусиятлари етарли даражада ёритилган.

Ана шу мақсадда, жумладан, Самарқанд вилоятидаги техник хизматни амалга оширувчи муқобил МТПларнинг 2006-2010 йиллардаги фаолият кўрсаткичлари таҳлил этилди (4-жадвал).

4-жадвал

Самарқанд вилоятида муқобил МТП хизматлари самарадорлигининг динамикаси, (бир ММТП ҳисобига)¹⁶

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йил 2006 йилга нисбатан ўзгариши, (+ ; -)
		2006	2007	2008	2009	2010	
1.	Ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар қиймати, млн. сўм	19,6	30,0	37,7	66,4	86,6	+67,0
2.	Хизматлар ҳисобига ундирилган маблағ, млн. сўм	12,0	11,7	28,9	39,8	56,8	+44,8
3.	Дебиторлик қарзи, млн. сўм	11,5	10,8	16,7	28,4	29,7	+18,2
4.	Хизмат кўрсатиш учун қилинган жами харажат, млн. сўм	17,5	26,8	33,3	58,3	71,2	53,7
5.	Хизматлардан олинган соф фойда (+), зарар (-), минг сўм	+2067,4	+3124,9	+4314,1	+8082,9	+15423,5	+13356,1
6.	Хизмат кўрсатиш рентабеллиги (+), зарарлилик (-), %	+11,8	+11,6	+12,9	+13,9	+21,6	+9,8 пункт

Аммо, таҳлиллар асосида шундай хулосага келиндики, умуман олганда вилоятда агросервис хизматлари кўрсатиш самарадорлиги ўсиш тенденциясига эга бўлишига қарамадан, бугунги кунда ташкилий тадбирларга етарлича эътибор бериш орқали унинг даражасини янада кўтариш имкониятлари мавжуд. Шу боисдан ҳам, бугунги кунда муқобил МТПларининг сервис хизматини оқилона ташкил қилиш, қолаверса, агротехника тадбирларини бажа-

¹⁶ Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ришни механизация воситалари зиммасига юклаш орқали қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш чоратadbирларини тубдан ўзгартириш лозим бўлади.

Диссертацияда республикамиз ҳудудида шакллантирилган агросервис тузилмаларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда яхлит самарали тизим эканлиги кластер ёндашуви асосида илмий асослаб берилган.

Бизнинг фикримизча, таклиф этилаётган кластер тузилиши деҳқончиликда қуйидаги имкониятларни яратади:

- агросервис хизматлари бозорида деҳқончиликдаги барча ресурслар (иқтисодий, молиявий, интеллектуал ва б.лар)ни жалб қилиш ва барча омиллардан фойдаланиш имкониятини очиб беради;

- агросервис субъектлари, улар хизматларининг истеъмолчилари ҳамда назорат қилувчи ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни самарали фаолиятининг мувофиқлигини таъминлайди;

- давлат томонидан агросервис хизматларини ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни яратиш имкониятларини кенгайтиради;

- агросервис субъектларини хизмат кўрсатиш натижаларидан манфаатдорлигини оширишни ҳамда уни яхлит бир тизим шаклида узлуксиз ва самарали ривожлантириш имкониятларини белгилаб беради.

Диссертация ишида чорвачилик соҳасига тегишли агросервис субъектлари ва кўрсатилаётган хизматларнинг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш ҳамда ушбу йўналишда илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга муҳим ўрин ажратилди. Зеро, республика аҳолисининг ўсиши ўз навбатида чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабнинг кўпайишига олиб келиши табиийдир. Бу эса республикада чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш омилларидан бўлган агросервис хизматлар тизимини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини жадаллаштиришни талаб қилади. Чунки, мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, «чорвачиликдаги самарадорликни атиги 1 % га ошириш мамлакат бўйича ўртача 35-40 минг тонна сут, 5-8 минг тонна гўшт, 12,5-15,5 миллион дона тухумни қўшимча равишда олиш имконини беради.»¹⁷

Айни пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 40 фоиздан ортиғи¹⁸ чорвачилик соҳалари ҳисасига тўғри келади. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2010 йил 1 январь ҳолатига республикамизда жами 8510,8 минг қорамол мавжуд бўлиб, уларнинг 93,1 фоизи деҳқон хўжаликларида, 5,8 фоизи фермер хўжаликларда, 1,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ширкатлари ва бошқа шаклдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўғри келади. Бундан ташқари, 2010 йилда республикамиз бўйича қўй ва эчкилар сони 14,4 млн. бошни, отлар 180,6 минг бошни, паррандалар 33,02 млн бошни, чучкалар 96,4 минг бошни ташкил этган. Бугунги кунда ушбу тармоқда 1367 минг тоннага яқин гўшт (тирик вазнда), 5778,9 минг тонна

¹⁷ Хусанов Р.Х., Додобоев Ю.Т., Додобоев Д.Ю. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. - Т.: 2003. – Б.740.

¹⁸ Лерман Ц. Ўзбекистон чорвачилигининг барқарор ривожланиши: ҳозирги аҳвол ва тавсиялар. Таҳлилий тавсиянома. –Т.: UNDP, №1., 2008. -12 б.

сут, 2,8 млрд. донага яқин тухум, 24,9 минг тонна жун, 897,9 минг донага яқин қорақўл тери ишлаб чиқарилмоқда.


Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, 2010 йилда Самарқанд вилоятида чорвачилик тармоқлари билан боғлиқ жами 831 та агросервис субъектлари фаолият кўрсатган. Шундан энг асосийларидан ҳисобланган зооветеринария пунктлари (309 та), чорва молларини сўйиш майдончалари (272 та), сунъий қочириш пунктлари (129 та), ем-хашак сотиш шохобчалари (106 та) дан иборат бўлган. Аммо, жойларда олиб борган тадқиқот ишларимизнинг натижаларига асосан хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Самарқанд вилоятида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш, чорва молларини илмий асосланган рационлар асосида парваришlash учун энг муҳим ҳисобланган ем-хашак (озуқа) ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, бунинг учун экинлар алмашлаб экиш тизимларига қатъий риоя этиш ҳамда ветеринария соҳалари бўйича тезкор хизматларга кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

Бугунги кунда амалга оширилаётган чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва улар учун сервис хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда республика чорвачилик агросервис хизматлари бозорини қуйидагича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ (4 - расм).

Бизнинг таърифимизга кўра, чорвачилик агросервис хизматлари бозори бу иқтисодий эркин бўлган ҳамда бозорнинг асосий субъектлари ҳисобланган чорва маҳсулотларини сотувчилар (деҳқон, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик юритиш субъектлари), агросервис хизматларини амалга оширувчилар (чорвачилик агросервис субъектлари) ва харидорлар ўртасидаги товар ва хизматлар юзасидан иқтисодий айирбошлаш муносабатларини шакллантирувчи ва мувофиқлаштирувчи механизмларни ифодаловчи ва қамраб олувчи яхлит тизимдир.

Республика миллий бозорининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ушбу бозорнинг ўзига хос муҳим томонлари мавжуд бўлиб, улар диссертацияда ҳар томонлама асослаб берилган. Аммо, илмий-амалий изланишларимиз натижаларининг гувоҳлик беришича, республика чорвачилик агросервис хизматлари бозори бугунги кунда бир қатор муаммоли вазиятлар таъсирида сустривожланмоқда. Бизнинг фикримизча, чорвачилик агросервис хизматлари бозорини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган бундай муаммолар қуйидагилардан иборат:

- чорва маҳсулотлари етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликларда молиявий маблағлар етишмаслиги;
- чорвачилик маҳсулотлари сотишдаги таваккалчилик хавфи (сифатнинг тез бузилиши);
- хизмат кўрсатувчи субъектлар ва истеъмолчилар ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни томонлар манфаатларига мос келмай қолиши;
- банк кредитлари олиш ва суғурталаш тизимидаги муаммолар;
- агросервис субъектлари фаолиятида сифатли хизматни йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий ва иқтисодий муаммолар;
- чорвачилик бозор конъюнктурасида мижозлар дидини ўзгариши билан боғлиқ ноаниқликлар.



4-расм. **Чорвачилик агросервис хизматлари бозорининг таркибий-функционал тузилмаси**¹⁹

Диссертацияда ушбу муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этишнинг илмий-амалий чора-тадбирларини асослаб беришга кенг ўрин берилган.

Республикамизнинг бир қатор чорвачилик тармоқларида наслчилик ишлари ва хизматлари яхши йўлга қўйилган. Жумладан, қўйчилик ва унинг алоҳида йўналиши бўлган қорақўлчиликда бу борада эътиборга молик ишлар олиб борилаётганлигини эътироф этиш мумкин. Ҳозирги вақтда республика бўйича қорақўлчилик йўналишида 18 та наслчилик заводи ва 13 та наслчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Лекин, шунга қарамасдан, изланишларимиз натижаларига кўра қорақўлчиликда наслчилик ишлари ва хизматларини амалга ошираётган заводлар ва хўжаликларда қўйларнинг зотдорлик белгиларини сақлаш, уларнинг авлоди бўйича мониторинг олиб бориш, озуқа

¹⁹ Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

базасини янада мустаҳкамлаш ва илмий асосланган рационларга амал қилган ҳолда парваришлаш, шунингдек, энг муҳими селекция, наслчилик ишлари ва хизматларини юқори даражада ташкил этиш талаб этилади. Бу тадбирларни амалга ошириш наслчилик ишлари самарадорлигини ошириш билан бир қаторда қўйларнинг маҳсулдорлик даражасини кўтариш ва қўйчилик хўжаликлари молиявий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган «Саҳоб ота», «Қарнаб ота», «Каттақўрғон», «Ўзбекистон» ва Раззоқ Жаҳонгиров номли қорақўлчилик хўжаликларида наслчилик ишлари ва хизматлари яхши ташкил этилганлиги сабабли юқори иқтисодий самарадорликка эришилган. Бу ҳолатни янада чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида вилоятдаги қорақўлчилик хўжаликлари маълумотлари асосида илмий тадқиқотлар ўтказилди (5-жадвал).

5-жадвал

Самарқанд вилояти қорақўлчилик хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари ва хизматлар самарадорлигининг динамикаси²⁰

№	Кўрсаткичлар	Йиллар:					2010 йил 2006 йил- га нис- батан, % да
		2006	2007	2008	2009	2010	
1.	Ҳар 100 бош қўй ҳисобига етиштирилган маҳсулот:						
	- қорақўл тери, дона	10,6	11,8	10,9	12,4	13,6	128,3
	- гўшт, ц	11,5	12,2	11,3	13,1	13,4	116,5
	- жун, кг	132,0	136,6	122,3	141,1	149,4	113,2
2.	Бир бош қўй ҳисобига олинган даромад, сўм:						
	- қорақўл тери	678,8	749,2	705,2	946,1	958,7	141,2
	- гўшт	5255,0	6147,8	6057,5	7128,9	11525,9	219,3
	- жун	342,2	472,7	465,6	496,2	513,6	150,1
3.	Олинган жами даромад, млн. сўм	1204,3	1573,3	1403,4	1627,6	2341,1	194,4
4.	Жами фойда (+), зарар (-) млн. сўм	+313,5	+325,1	+304,4	+361,5	+480,1	153,1
5.	Зооветеринария ва наслчилик хизматлари қиймати, минг сўм.	72965,1	92710,0	87840,5	123170,0	197840,6	271,1
6.	Хизмат кўрсатиш рентабеллиги, %	+6,7	+7,9	+7,5	+9,2	+14,4	+ 7,7 пункт

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган кейинги 5 йилда қорақўлчиликдан олинган фойда 166,6 млн. сўмга ёки 53,1 % га (01.01.2010 йил 01.01.2006 йилга нисбатан), шунингдек, кўрсатилган зооветеринария ва

²⁰ Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган (2006-2010 йиллар, 1 январь ҳолатига).

наслчилик хизматлари қиймати эса шу даврда 124,9 млн. сўмга кўпайган. Диссертацияда, шунингдек, республикада наслчилик хизмат турларини кенгайтириш асосида жун ва гўшт берадиган бошқа зотдаги қўй подаларини ҳам кўпайтириш бўйича катта имкониятлар мавжудлиги ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари асослаб берилган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг қарор топиши ўз навбатида агросервис хизматлари кўрсатиш ва моддий-техника ресурслари таъминоти тизимида ҳам бозор тамойилларига мос иқтисодий усулларни кенг жорий этишни тақозо этади. Бироқ, АХБ шаклланишининг ҳозирги босқичида ресурсларни марказлашган ҳолда тақсимлаш элементларининг сақланиб қолиши кўрсатилаётган сервис хизматлари миқдори ва сифатига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номуносаббатликларнинг мавжудлигига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, агросервис хизматлари бозори иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни барча фазаларининг ўзаро узлуксизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ҳар бир жараён бўғинларидаги муаммо ва камчиликларнинг бошқа бўғинларга салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда уларни доимий равишда бартараф этиш лозим бўлади.

Изланиш жараёнида иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида республика қишлоқ хўжалиги агросервис хизматлари бозорида вужудга келган иқтисодий муносабатларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кенгроқ ёритиб берилган. Шу нуқтаи назардан ишда, жумладан, бугунги кунда республикамиз фермер хўжаликлари билан агросервис субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатлар ҳолати таҳлил қилинган ва тегишли илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш субъектларининг самарали фаолият юритишлари, авваламбор, уларнинг молиявий таъминланганлик даражасига бевосита боғлиқдир. Зотан, хўжалик субъектлари фаолиятининг узлуксиз давом этиши учун содир бўладиган иқтисодий муносабатлар бевосита молиявий ресурслар орқали амалга оширилади. Лекин, таҳлилларимизнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик корхоналари тўлов қобилятининг пастлиги уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва АХБ субъектларини кредит ресурслари билан таъминлашнинг иқтисодий механизмлари ва молиявий манбаларини такомиллаштириш, мавжуд имкониятларни ишга солиш, муаммолар ва номуносаббатликларни ҳал қилиш бугунги кунда аграр соҳадаги долзарб масалалардан биридир.

Диссертацияда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини чуқур ўрганиш асосида республикамизда чорвачилик хизматлари бозорини модернизациялашнинг қуйидаги янги модули ишлаб чиқилган (5-расм).

Мазкур модулни жорий этиш чорвачилик сервис хизматлари бозорининг самарали фаолиятини таъминловчи қуйидаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради.



5-расм. Чорвачиликда агросервисни модернизациялаш модулининг иқтисодий механизмлари²¹

- хизмат кўрсатувчи субъектлар ва улар хизматларининг истеъмолчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари) ўртасидаги самарали иқтисодий алоқалар ва барқарор шартномавий муносабатларини шакллантиради;


- агросервис субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамловчи янги техникаларни сотиб олиш, наслии маҳсулдор чорва ҳайвонларини республикага келтириш каби хизматларни ривожлантиришнинг янги имкониятлари очилади;

²¹ Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

- республикамызда чорвачилик тармоқларини жойлаштиришда минтақавий ва мавсумий хусусиятларни ҳисобга олувчи агросервис субъектларини замонавий асосда ривожлантириш имкониятлари яратилади;

- истеъмолчи талабини тез ва интенсив асосда қондирувчи кичик ҳажмдаги хизмат кўрсатувчи агросервис субъектларини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари ва рақобат муҳити яратилади.

Тадқиқот ишида республикамыз чорвачилигида хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини асослашга ҳам кенг ўрин берилган (6-расм). Шунга мувофиқ чорвачилик тармоғида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, кўрсатилаётган агросервис хизматларини ривожлантиришнинг устувор вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:



6–расм. Чорвачиликда хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари²²

биринчидан, чорвачиликни ривожлантиришдаги энг асосий муаммолардан бири бу ем-хашак билан таъминлаш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, шу йўналишдаги агросервис хизматларини, айниқса, ширали (омухта) озуқа тайёрлаш, фермер ва деҳқон хўжаликлари чорва моллари учун дағал ем-хашак сотиш (сотиб олиш) каби хизмат кўрсатишни замонавий асосда ривожлантириш;

иккинчидан, чорвачиликнинг интенсив ривожланишига имкон берувчи сунъий урчитиш ва наслчилик хизматларини йўлга қўйиш, шунингдек, хориждан зотли чорва молларини сотиб олиш, уларни аҳолига ва фермер хўжаликларида сотиш хизматлари қўламини кенгайтириш;

²²Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

учинчидан, чорва молларини сақлаш бўйича зооветеринария хизматларини, чорва молларини сўйиш, кушхона хизматларини янада кенгайтириш ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш;

тўртинчидан, чорвачиликнинг молиявий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш мақсадидан келиб чиқиб, агросервис субъектларига кўрсатилаётган минибанк хизматларининг янги турларини ривожлантириш;

бешинчидан, чорва маҳсулотларидан тайёр истеъмол маҳсулотлари олишни йўлга қўювчи агросервис хизматларини, жумладан, маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш агросервис хизматларини янги замонавий асосда ривожлантириш;

олтинчидан, чорвачиликдаги мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб, мутлақо янги турдаги агросервис хизмат турларини ташкил қилиш ва ривожлантириш, жумладан, тезкор ветеринария хизмати (чорва молларига биринчи ёрдам кўрсатиш, ташхис қўйиш, даволаш), тезкор озуқа етказиб бериш, тайёр чорвачилик маҳсулотларини (сифатли гўшт, сут, тухум, колбаса, пишлок) истеъмолчилар хонадонига етказиб бериш хизматларини ташкил этиш каби лардан иборат.

Республика қишлоқ хўжалигининг муҳим таркибий ва ажралмас қисми ҳисобланган чорвачилик соҳасини ривожлантиришда ем-хашак масаласи асосий ўринни эгаллаб, чорва моллари маҳсулдорлигининг ошишида 40 фоиздан ошиқроқ салмоқ шу омил ҳисобига, қолган улуши эса наслчилик, ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби бошқа омилларга тўғри келиши соҳа мутахассис олимлари томонидан илмий асосланган. Бугунги кунда республика фермер хўжаликларида ўртача ҳар бир шартли чорва молига 0,34 га суғориладиган ер тўғри келсада, аммо бу кўрсаткич вилоятлар миқёсида турлича бўлиб, чорвачиликнинг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунини ҳисобга олиб, ишда республикамизда тезкор ем-хашак таъминоти шохобчаларининг янги таркибий тузилиши таклиф қилинган ва уларнинг чорвачилик агросервис хизматлари бозорида бажарадиган муҳим вазифалари асослаб берилган.

Диссертацияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифатига бевосита таъсир этувчи агрокимё хизматларининг ҳозирги даражаси ва бу соҳадаги асосий муаммоларни таҳлил қилишга кенг ўрин ажратилган бўлиб, унинг натижасига кўра, биринчи навбатда минерал ўғитлар тақчиллиги шароитида улардан самарали фойдаланиш, уларни қўллашнинг илмий асосланган меъёр ва нисбатларига қатъий амал қилинмаётганлиги асослаб берилди. Зеро, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибида кимёвий воситалар билан боғлиқ сарфлар салмоқли улушни ташкил этади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сарфланаётган ресурс бирлиги ҳисобига олинадиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш каби тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Шу боисдан ҳам, Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури талаблари асосида агросервис корхоналарида хизматлар кўрсатиш харажатларини камайтириш қуйидаги

7-расмда келтирилган асосий йўналишларни ўз ичига олиши лозим бўлиб, улар тадқиқот жараёнида илмий-амалий нуқтаи назардан асослаб берилган.

Ишда қишлоқ хўжалигида агросервис хизматлари самарадорлигига боғлиқ омиллар таъсири кўп омилли корреляцион таҳлил асосида аниқланилиб, ЭХМ дастури бўйича «энг кичик квадратлар» ва Гаусс усулидан фойдаланилди. Бунда Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи агросервис субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг 2002-2011 йиллардаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.



7-расм. Агросервис хизматлари харажатларини камайтиришнинг асосий йўналишлари²³

Қишлоқ хўжалигида агросервис хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари ва истиқболини ишлаб чиқиш учун хизмат кўрсатиш рентабеллиги даражаси (y)га таъсир этиши мумкин бўлган қуйидаги омиллар танлаб олинди.

- x_1 - агросервис субъектлар сони;
- x_2 - хизмат кўрсатиладиган хўжаликлар сони;
- x_3 - эҳтиёж асосида хизмат кўрсатилган хўжаликлар сони;
- x_4 - ҳақиқатда кўрсатилган хизмат қиймати, млрд. сўм;
- x_5 - кўрсатилган хизматдан ҳақиқатда олинган даромад, млрд. сўм;
- x_6 – хизмат кўрсатишдан олинган соф фойда (+), зарар (-), млрд. сўм;
- x_7 - хизмат кўрсатилган хўжаликлар экин (ер) майдони, млн. га.
- x_8 - хизмат кўрсатиш учун қилинган жами харажат, млрд. сўм.

Олиб борилган ҳисоб-китоб натижасига кўра регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$y = 7,09 + 4,386x_1 + 0,347x_6 + 0,21x_8$$

²³ Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Ҳисоб-китоблар қуйидаги натижаларни берди. Ишончлилик даражаси $p=0,95$ бўлганда t – Стьюдент мезонининг жадвал қиймати $t_{\text{жад}}=2,26$ бўлади. Бизда $t_{\text{ҳақ}}=7,167$ ни ташкил этади. Демак, $t_{\text{ҳақ}} > t_{\text{жад}}$ ($7,167 > 2,26$). Шундай экан, танлаб олган тенгламамиз натижавий кўрсаткич билан омиллар ўртасидаги боғланишнинг тўғри ифодаланганлигидан далолат беради. Корреляция коэффиценти $R=0,989$ ни ташкил этади. Амалга оширилган корреляцион таҳлил натижаларининг иқтисодий моҳияти кўрсатиб турибдики, агросервис субъектлари сонининг (x_1) 1% га ошиши агросервис хизматлари рентабеллик даражасини 4,386 %га ўсишига олиб келади, агар хизмат кўрсатишдан олинган соф фойданинг (x_6) 1% га ошиши кузатилса, натижа 0,347 %га кўпаяди, шунингдек, хизмат кўрсатиш учун қилинган жами харажатларнинг (x_8) 1% га ошиши эса натижанинг 0,21 % га кўпайишига олиб келади.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, агросервис хизматлари харажатларини камайтириш мақсадида ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида ўзининг турли хизматлари билан бевосита иштирок этаётган ММТПлар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳаракатдаги муқобил МТП хизматларини бошқариш ва мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш ва шу асосда бошқарув ходимларининг хизматлари сифатини яхшилаш чоратадбирларига мунтазам равишда эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда уларнинг самарали ишлашини таъминлайдиган қуйидаги бошқарув тузилмасини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ушбу тузилма асосида муқобил МТПлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ташкилий–иқтисодий асосларини такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш тавсия қилинади:

- ушбу тузилма асосида ишловчи ҳар бир раҳбар ходимнинг функционал вазифа ва мажбуриятларини аниқ белгилаш ҳамда зарурий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш;
- ММТПлар учун техникалар ва зарурий эҳтиёт қисмларини лизингга олиш механизминини такомиллаштириш ва амалиётини кенгайтириш;
- муқобил МТПларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида узоқ муддатли кредитлар билан таъминлаш амалиётини кенг жорий этиш;
- муқобил МТПларига солиқ имтиёзлари, иқтисодий эркинликлар бериш ҳамда кафолатли суғурталаш амалиётини кучайтириш;
- муқобил МТПларни фермер ва деҳқон хўжаликларига сифатли хизмат кўрсатувчи соҳага айлантириш ва бунда уларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш механизмларини татбиқ этиш.

Ҳисоб–китобларга кўра, юқорида асослаб берилган илмий-амалий характердаги тавсияларни татбиқ қилиш муқобил МТП хизматлари сифатини яхшилаш эвазига фермер хўжаликларининг рентабеллик даражасини қўшимча равишда 12-15% ошириш имкониятини яратади. Шу боисдан ҳам, келгусида ММТПларнинг агросервис хизматларини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш билан бир қаторда, уларни малакали раҳбар ва ишчи ходимлар билан таъминлашга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Истикболда мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлаётган агросервис хизматларига бўлган талабни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги ҳисоблаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ, яъни:

$$Kad = (Xkcc * Ckxc) * Hx \quad (4)^{24}$$

Бу ерда: *Kad* - бир турдаги агросервис хизматлари учун кутилаётган келгусидаги талаб миқдори, минг сўм.

Xkcc - хизмат кўрсатиш субъектларини истикболдаги сони;

Ckxc - битта хизмат кўрсатиш субъектлари истеъмолчисига тўғри келадиган хизматларнинг ўртача сони;

Hx - битта хизмат турининг ўртача нархи, сўм.

Юқорида келтирилган услубий ҳисоб-китоблар асосида тадқиқот жараёнида монографик ўрганилган хўжалик субъектлари мисолида ресурслар ва агросервис хизматларига бўлган талабнинг истикбол кўрсаткичлари асослаб берилган. Бу илмий-амалий ишланманинг муҳим томонлари сифатида шуларни таъкидлаш лозимки, биринчидан, мунтазам ўсиб бораётган агросервис хизматларини тўлиқ бажариш имкониятига эга бўлган тегишли хўжалик юритиш субъектларини сон ва жойлаштириш нуқтаи назардан белгилаш, иккинчидан, агросервис субъектларининг хизматлар ишлаб чиқариш қуввати ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, учинчидан эса, хизматлар истеъмолчилари, яъни фермер ва деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг барқарор ўсиш тенденциясини таъминлашга кенг имкониятлар яратиши билан ҳам муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида Самарқанд вилоятидаги қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи агросервис субъектлари ривожланиш даражаси таҳлил қилиниб, хизматларга бўлган келгусидаги талабдан келиб чиққан ҳолда 2015 йилгача бўлган даврдаги агросервис хизматларини ривожлантиришнинг асосий истикбол кўрсаткичлари ҳисобланган ва бунда тренд усулидан фойдаланган ҳолда йиллар бўйича миқдорларнинг ўзгариш тенденцияси асос қилиб олинган (6-жадвал).

Авваламбор таъкидлаш лозимки, Самарқанд вилоятида 2002 йилда агросервис субъектлари сони 49 та, ҳақиқатда кўрсатилган хизматлардан олинган даромад 1716,0 млн. сўм, хизмат кўрсатишдан олинган соф фойда 134,7 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда хизмат кўрсатиш рентабеллиги даражаси 8,5 фоиз бўлган. 2011 йилга келиб эса мазкур кўрсаткичларнинг ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин, жумладан, агросервис субъектларининг умумий сони 785 тани, ҳақиқатда кўрсатилган хизматлардан олинган даромад 86960,3 млн. сўмни, хизмат кўрсатишдан олинган жами соф фойда эса 14414,2 млн. сўмни ҳамда хизмат кўрсатиш рентабеллиги 19,9 % ни ташкил этган.

²⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

6 -жадвал

**Самарқанд вилоятида агросервис хизматларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш
истикболлари²⁵**

№	Кўрсаткич-лар	Йиллар										
		2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2015 (истикбол)
1.	Агросервис субъектлари сони	49	87	166	234	560	646	718	780	782	785	1053
2.	Эҳтиёж асосида хизмат кўрсатилган хўжаликлар сони	985	2320	5960	7330	11824	13417	14246	8165	6026	5453	8930
3.	Хизмат кўрсатиладиган хўжаликлар ер майдони, минг га.	105,6	143,1	162,6	254,1	409,9	495,1	495,1	495,4	495,4	495,4	498,7
4.	Хизмат кўрсатишдан олинган жами даромад, млн, сўм	1716	3081,8	4318	14639	20470,4	38570,2	43496,3	70504,3	76548,3	86960,3	172630,8
5.	Хизмат кўрсатиш учун қилинган жами харажат, млн, сўм	1581,3	2862,8	4051	13450	18513,1	34278,0	38451,1	61449,3	66276,4	72546,1	132174,7
6.	Хизмат кўрсатишдан олинган соф фойда (+), зарар (-), млн,сўм	+134,7	+219	+267	+1189	+1957,3	+4292,2	+5045,2	+9055	+10272	+14414,2	+40456,1
7.	Бир агросервис субъектига тўғри келадиган, млн. сўм:											
	- жами даромад	35,0	35,4	26,0	62,6	36,6	59,7	60,6	90,4	97,8	110,7	163,9
	- соф фойда	2,7	2,5	1,6	5,1	3,5	6,6	7,0	11,6	13,1	18,6	38,4
8.	Хизмат кўрсатиш рентабеллиги (+), зарарлилик (-), % ҳисобида	+8,5	+7,6	+6,6	+8,8	+10,6	+12,5	+13,1	+14,7	+15,5	+19,9	+30,6

²⁵ Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда деҳқончилик тармоғида хизмат кўрсатаётган агросервис субъектлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ишлаб чиқилган истикбол кўрсаткичларига кўра, ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича 2015 йилга бориб агросервис субъектлари сонини 1053 та, қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатиладиган хизматлардан олинган даромад 172630,8 млн. сўм, хизмат кўрсатишдан олинadиган соф фойдани 40456,1 млн. сўм ва хизмат кўрсатиш рентабеллик даражасини 30,6 фоизга етказиш имкониятлари мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, истикболда нафақат агросервис субъектлари сонининг кўпайиши, балки, улар томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва сифатининг ошиши ҳисобига, биринчидан, мамлакатимизда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ўстириш, унинг иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, иккинчидан, тегишли саноат корхоналарини хом ашё ва аҳолини талаб даражасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, учинчидан, агросервис соҳасини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнига етарли ҳажмда инвестициялар жалб қилиш, тўртинчидан, ушбу соҳадаги фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор хорижий тажрибалардан оқилона фойдаланиш, бешинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ўстириш ҳисобига унинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, олтинчидан, қишлоқ ҳудудларида кўшимча иш ўринларини яратиш ва, еттинчидан, пировардида эса халқимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга мустаҳкам замин яратилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида куйидаги **илмий хулосалар** олинди:

1. Республикамиз агросаноат мажмуида агросервис хизматлари ўзининг алоҳида хусусиятлари билан бошқа хизмат йўналишларидан тубдан фарқ қилади. Зеро, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида агросервис тизими қишлоқ хўжалик корхоналари – фермер ва деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва узлуксиз самарали фаолият юритишини таъминлашда объектив заруриятга айланган муҳим хизмат кўрсатувчи субъектлар мажмуасини ташкил этади. Агросервис субъектлари хизматлари – бу бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар талаб ва таклифи асосида шаклланувчи ҳамда уни амалга оширувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги тармоғининг мажмуавий характердаги эҳтиёжларини қондирувчи, замонавий инновацион техника ва технологияларга асосланган даромад келтирувчи мақсадга мувофиқ фаолиятлар мажмуасидан иборатдир.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тизимларидан бири ҳисобланган агросервис хизматлари кўрсатиш бозор муносабатлари шароитида иқтисодий категория сифатида ўзининг бир қатор хусусиятларига эга бўлиб, жумладан, қишлоқ хўжалик товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари - фермер ва деҳқон хўжаликларини сервис хизмат кўрсатиш вазифаларидан озод этиб, фақатгина ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишига имкон яратади ҳамда улар хизматидан фойдаланган барча

хўжалик субъектларига кўшимча даромад олишга кўмак беради. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширади, меҳнат тақсимотини мақбуллаштириб, қишлоқда аҳолини иш билан банд қилиш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

3. Агросервис хизматлари самарадорлигини баҳолаш тизими қуйидаги асосий тамойил ва талабларга жавоб бериши лозим. Жумладан:

- кўрсаткичлар тизими агросервис хизматлар самарадорлигининг муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиши ҳамда иқтисодий моҳиятини очиб беришга асосланиши;

- диалектик мантиқ нуқтаи назаридан тизимнинг барча кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлик ва уйғунликда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш натижаларининг миқдори, қиймати ва сифати даражасини объектив акс эттириши;

- аграр соҳанинг турли тармоқларида агросервис хизматларидан фойдаланиш даражасига умумлашган баҳо бериши;

- агросервис хизмат кўрсатиш тизимининг самарадорлик кўрсаткичини аниқлашда таққослаш тамойилига амал қилиниши;

- агросервис хизмат кўрсатиш тизимининг барча кўрсаткичлари аграр тармоқни модернизациялаш ва диверсификациялаш, илмий-техника тараққиёти жараёнини рағбатлантиришга асос бўлиб хизмат қилиши зарур.

4. Республикамизда агросервис хизматлари бозори ва унинг тармоқлар бўйича илмий асосланган таркибий-функционал тузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Агросервис хизматлари бозори (АХБ) бу бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида сервис хизматига бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланувчи ҳамда уни амалга оширувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан боғлиқ эҳтиёжларни қондирувчи, замонавий техника ва технологияга асосланган юқори даромад келтирувчи, сотувчи (ишлаб чиқарувчи), истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи механизмларни қамраб олувчи яхлит тизимдир.

5. Қишлоқ хўжалигида агросервис хизматларини амалга ошириш жараёнидаги мавжуд камчилик ва муаммоларни самарали ҳал этиш учун республика агросервис хизматлари бозорида вужудга келган бир қатор иқтисодий муносабатлардаги, жумладан, агросервис субъектлари ва фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари ўртасидаги шартномавий муносабатлар, кўрсатилган хизматлар учун томонлар манфаатларига мос тўловни амалга ошириш (дифференциялашган тўлов баҳолари асосида), давлат томонидан тартибга солинадиган маъмурий муносабатлар, шунингдек, агросервис корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатлар кабиларда манфаатли алоқаларни ўрнатиш ва уларнинг қатъий бажарилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

6. Қишлоқ хўжалигида содир бўлаётган навбатдаги туб таркибий ва ташкилий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида барча аграр ресурслардан самарали фойдаланишда мавжуд агросервис хизматлари бозорини шакллантириш

ва ривожлантиришнинг муҳим иқтисодий асоси ҳисобланган агросервис субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредит ресурслари таъминоти тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

7. Мамлакатимизда агросервисни ривожлантириш босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиб борар экан, бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни умумлаштириб, чуқур таҳлил қилган ҳолда, уларнинг мамлакатимиз шароитига мос йўналиш ва жиҳатларини амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий тажрибалар таҳлиliga асосан умумий хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ҳам фермер хўжаликларига агросервис хизматлари кўрсатувчи янги субъектлар (кооперативлар, уюшмалар) фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Бундай кооперативлар ёки уюшмалар туманлар ёки туманлардаги ҳудудлар миқёсида ўзаро манфаатдорлик ва ихтиёрийлик тамойилларига мувофиқ тузилиши мумкин.

8. Маълумки, қишлоқ хўжалик корхоналарига техник сервис хизматлари кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқот жараёнида амалга оширилган таҳлилларимиз натижаларига кўра, муқобил МТПларнинг қулайлик ва афзалликлари қуйидагилар билан изоҳланмоқда. Биринчидан, уларнинг ушбу хўжаликларга масофа жиҳатидан яқинлиги ва мураккаб техник хизматларини тезкор бажара олишлиги, иккинчидан, ҳар қандай ўлчамли ер майдонларига мос механизация ишларини мижозларга қулай хизмат баҳоларида бажариш имкониятларининг мавжудлиги кабилардир.

9. Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик салмоқли ўринни эгаллаб, деҳқончилик тармоқларини сув билан таъминлашда сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) хизматлари алоҳида роль ўйнайди. Шу сабабли СИУлар фаолиятини бозор муносабатлари талабларига мос ташкил этиш ва такомиллаштириш ва аynиқса, бунга асосан фермерлар билан СИУлар ўртасидаги ўзаро манфаатли шартномаларни тузиш, уларнинг бажарадиган иш турлари, ҳажми ва макони, ўзаро тўловлар тартиби кўрсатилган аниқ йиллик иш дастурлари асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

10. Тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиқадиган яна бир хулоса шундан иборатки, экинлар ҳосилдорлиги ва деҳқончилик маҳсулотлари сифатини ошириш агросервис хизматлари бозорининг яна муҳим сегментларидан ҳисобланган уруғлик, ўғит ва бошқа ресурслар таъминоти бўйича хизматларнинг тўлақонли амалга оширилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Жумладан, бундай хизматлар тизимини ҳар бир ҳудудда ташкил қилиш, шунингдек, улардаги транспорт харажатларини кескин камайтириш, юклаш, ташиш ва тушириш жараёнларида шикастланишининг олдини олиш, уларни зарур пайтда талаб қилинган жойга тезда етказиш ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

11. Чорвачилик республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи сифатида деҳқончиликнинг ривожи, тупроқ унумдорлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Маълумотларга кўра, республикамиздаги тупроқларда мавжуд бўлган гумус моддаси ўртача 10-13 фоизга камайган. Зеро, илмий тавсияларга кўра, ҳар бир гектар ерга йилига энг камида 15-20 тонна миқ-

дорда гўнг солиш тупроқнинг унумдорлигини ошириб, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятини яратади. Республикада 4,2 млн. гектардан ортиқ ерга суғорилиб деҳқончилик қилинишини ҳисобга олсак, ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун 63-84 млн. тонна гўнг, бу миқдордаги гўнгни олиш учун эса 13,0-14,5 млн. бош шартли қорамол керак бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида чорвачилик тармоқларининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган йўналиш агросервис хизматлари ва уларни диверсификациялаш ҳисобланади. Бироқ, изланишларимизнинг кўрсатишича, ҳозирги шароитда чорвачилик тизимида агросервис хизматларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, жойларда чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятидаги ташкилий ва иқтисодий механизмларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, зарур бўлган асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар каби ресурсларнинг етишмаслиги ҳамда хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда ўзаро ишонч йўқлиги;

иккинчидан, мавжуд чорва молларини доимий равишда етарли даражада омухта озуқалар билан таъминлайдиган дўконларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

учинчидан, чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликларида айланма маблағларнинг етишмаслиги, бу йўналишда банклар томонидан қисқа муддатли имтиёзли кредитлаш ва суғурталаш тизими етарли даражада ташкил этилмаганлиги соҳада сервис хизмати ривожига салбий таъсир қилмоқда.

12. Фикримизча, республикада чорвачилик тармоғининг истиқболли ривожланишини таъминлашда агросервис тизимини модернизациялаш ва хизматларини диверсификациялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва улар-ни оқилона ҳал этиш масалаларига устуворлик бериш лозим. Шу сабабли, ушбу тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ва таклиф этилаётган агросервисни модернизациялаш модулини қўллаш асосида чорвачиликда агросервис хизматлари кўрсатиш самарадорлигини таъминловчи ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмларни (моддий-техник таъминот, молиялаштириш, солиқ, суғурта ва бошқа соҳаларда) кенг татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

13. Тадқиқот натижаларига кўра, республикада чорвачилик агросервис хизматлари бозорини ўзаро уйғунликда шакллантириш тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш талаблари ва тармоқни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларига тўлиқ мос келади. Истиқболда, жумладан, чорвачиликда даромадни кўпайтириш манбаларидан бири ҳисобланган чорва маҳсулотларидан тайёр маҳсулот олишга кўмак берадиган агросервис хизматларини кенгайтириш лозим. Айниқса, бунда маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш агросервис (гўшт ва сутни қабул қилиш, дастлабки қайта ишлаш ҳамда тайёр

махсулот ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб бериш) хизматларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этиш лозим.

Тадқиқот жараёнида агросервис хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган қўйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди.

1. Республикада бозор муносабатлари шароитига мос агросервис хизмат кўрсатиш тизимини назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз ва бунинг учун: биринчидан, «агросервис», «агросервис хизматлари» атамаларининг диалектик асослари, хусусан, уларнинг мазмун-моҳиятини, шаклланиш жиҳатлари, йўналиш ва хусусиятларини; иккинчидан, «агросервис хизматлар бозори»нинг ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик, тўлдирувчанлик тамойиллари ва ривожланиш қонуниятларини; учинчидан, агросервис хизматлари самарадорлигининг баҳолашнинг динамик ва интенсивлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усулларини агросервис хизматлари самарадорлигини ошириш чора-тадбир ва механизмларини такомиллаштиришда эътиборга олиш ва қўллаш мақсадга мувофиқ.

2. Агросервис хизматлари самарадорлигини аниқлаш ҳисоб-китобини таққослаш усули асосида амалга оширишни таклиф этамиз. Бунда агросервис субъектлари фаолияти тўлиқ шаклланишга қадар ва агросервис фаолиятига асосланган даврдаги қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий иқтисодий кўрсаткичлар тизимини таққослаб таҳлил қилинишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди. Таҳлил натижаларига асосан мавжуд муаммоларни аниқлаш ва истиқболда уларни ҳал этиш учун лозим бўлган устувор вазифалар белгиланди.

3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда агросервис хизматлари бозорида қўйидаги устувор йўналишларни ривожлантиришни зарур, деб ҳисоблаймиз:

- агросервис хизматлари эҳтиёжлари асосида бозор конъюнктураси ўзгаришига тез мосланувчан сервис хизматларининг янги турларини шакллантириш (тезкор ветеринария, тезкор ем-хашак таъминоти хизматлари) ва мавжудларининг бошқариш тузилмасини (муқобил МТП, СИУ) такомиллаштириш ҳамда уларни ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш;

- агросервис хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, жумладан, хизматлар баҳосини табақалаштириш, яъни, мавсум даврлари ҳамда иш ва хизматларни бажариб бериш муддатига қараб ўзгарувчан баҳоларни шакллантириш, шартномавий алоқаларни кучайтириш;

- республика қишлоқ хўжалиги тараққиётининг концептуал йўналишлардан келиб чиқиб, агросервис хизматларини ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (мева ва сабзавот, сут, гўшт кабилар)ни қайта ишлаш, сақлаш ва нобутгарчиликсиз ташиш хизматларини интенсив ривожлантириш.

4. Агросервисни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришда қуйидаги тавсияларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- кредитлаш соҳасида кооператив кредит уюшмалари сони ва фаолиятини янада кенгайтириш, мол-мулкларни гаровга қўйиш асосида кредит олиш ва қайтариш тизимларини такомиллаштириш;
- агросервис хизматлари учун қўшимча солиқ имтиёзлари бериш;
- мақсадли ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш;
- тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш хизматларини амалга ошириш бўйича божхона имтиёзлари тизимини кенгайтириш.

5. Агросервис хизматлари кўрсатиш самарадорлигини таъминлашда сервис хизматлари харажатларини камайтириш зарур ва бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, жумладан:

- ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланиш (хўжасизлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик);
- илмий асосланган хизматлар сарфи меъёрларидан фойдаланиш;
- хизмат кўрсатувчи техникалар (моддий-техника ресурслари) нархларининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик;
- ресурстежовчи, арзон ва сифатли хизмат кўрсатиш технологияларини татбиқ этиш, малакали ходимлар меҳнатидан унумли фойдаланиш ва уларни моддий рағбатлантириш.

6. Чорвачиликда агросервис тизимини модернизациялаш бўйича тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган модул доирасидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ҳаётга татбиқ этиш унинг иқтисодий, ҳуқуқий ва моддий-техника асосларини такомиллаштириш, агросервис субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларидан самарали фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради.

7. Агросервис хизматларини ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблаш ишларида иқтисодий-математик усуллардан кўп вариантли сценарийлар асосида фойдаланиш лозим. Шу услубий асосда амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларининг кўрсатишича, 2015 йилга бориб, жумладан, Самарқанд вилоятининг деҳқончилик тармоқларига хизмат кўрсатадиган агросервис субъектлари сони 1053 тани, хизмат кўрсатишдан олинadиган соф фойда 40456,1 млн. сўмни, хизмат кўрсатиш рентабеллик даражаси эса 30,6 %ни ташкил этади.

Умуман олганда, фикримизча, агросервис субъектларини хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш нуқтаи назардан мақбул ташкил этиш истиқболда нафақат деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, балки аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш ва даромад манбаларини кенгайтиришдаги ролини ҳам эътиборга олган ҳолда ривожлантириб боришни тақозо этади.

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

I. Китоб ва туркум нашрлар

1. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик масалалари. Монография. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2010. – 164 б.
2. Қудратов Ғ.Х., Мирзаев Қ.Ж. Аграр соҳадаги иқтисодий муносабатлар ва агросервис хизматларини ривожлантириш йўналишлари. Монография. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2010. – 144 б.
3. Қудратов Ғ.Х., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – 16 б.
4. Қудратов Ғ.Х., Мирзаев Қ.Ж. Агросервис самарадорлигини оширишнинг иқтисодий асослари. – Самарқанд, СамИСИ, 2009. – 28 б.

II. Журналлардаги мақолалар

5. Мирзаев Қ.Ж., Хусанов М.Х., Жонибеков Ф. Имконият катта, аммо... // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 1999. - №4. – Б. 47-49.
6. Мирзаев Қ.Ж., Хусанов М.Х. Сувдан самарали фойдаланиш муаммолари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2002. - №4. – Б. 50-51.
7. Мирзаев Қ.Ж. Хусусий тадбиркорлик қишлоқда уни ривожлантириш муаммолари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2004. - №3. – Б. 34-35.
8. Мирзаев Қ.Ж., Жонибеков Ф. Юкинг ерда қолмайди // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2005. - №9. – Б. 6.
9. Мирзаев Қ.Ж., Жўраев Ф., Мирзаев С. Ҳам деҳқон, ҳам иқтисодчи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2005. - №10. – Б. 11.
10. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизмати бошқарувини такомиллаштириш йўллари // Сервис. – Самарқанд, 2009. - №1 – Б. 86-89.
11. Мирзаев Қ.Ж. Аҳоли бандлигини таъминлашда агросервис хизматларининг тутган ўрни // Сервис. – Самарқанд, 2009. - №2. – Б. 17-22.
12. Мирзаев Қ.Ж. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида агросервис хизматлари харажатларини камайтириш имкониятлари // Сервис. – Самарқанд, 2009, - №3. – Б. 30-34.
13. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис имкониятлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. - №8. – Б. 24.
14. Мирзаев Қ.Ж. Фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатиш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. - №11. – Б. 27.
15. Мирзаев Қ.Ж., Исломов Ш.М., Курбонов А.Ю. Важнейшие направления повышения эффективности сельского хозяйства Узбекистана. – М.: Экономика и финансы, 2009. - №14 (167). – С. 41-42.
16. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис самарадорлигини ошириш омиллари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2009. - №4 – Б. 65-67.

17. Мирзаев Қ.Ж. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари // Сервис. – Самарқанд, 2010, - №2. – Б. 13-19.
18. Мирзаев Қ.Ж. Хизматлар бозори // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2010. - №5 – Б. 32.
19. Мирзаев Қ.Ж. Деҳқончиликни ривожлантиришда агросервис хизматлари самарадорлиги // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2011. - №1 – Б. 27-29.
20. Mirzayev Q.J. Chorvachilik xizmatlari bozorini shakllantirishning muhim xususiyatlari // O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi. – Тошкент, 2011, - №2. – Б. 92-94.
21. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг назарий-методологик асослари // Сервис. – Самарқанд, 2011, - №2. – Б. 4-10.
22. Мирзаев К.Ж. Важнейшие особенности формирования республиканского рынка животноводческих услуг. – М.: Экономика и финансы, 2011. - № 2-3 (182-183). – С. 45-49.
23. Mirzaev K. The market livestock service of the Republic Uzbekistan // Spanish journal of rural development University of Santiago de Compostela. Volume II, - №2. Spain. 2011. – P. 97-106.
24. Mirzaev K. Approaches and issues for developing livestock services in Uzbekistan // International Cross-Industry Research Journal Perspectives of Innovations, Economics and Business. Volume 8, Issue 2, Praga. 2011. – P. 23-25.

III. Симпозиум ва конференция ишлари

25. Мирзаев К.Ж., Жалолов Х.Т. Развитие агропромышленного комплекса Узбекистана в условиях рыночной экономики // Проблемы научного обеспечения повышения эффективности сельскохозяйственного производства: Тез. докл. межрегион. науч. практ. конф. – Бишкек, 1992. – С. 84-86
26. Мирзаев К.Ж., Сатторов Ш. Основные проблемы повышения эффективности рыночного механизма аграрного сектора Республики Узбекистан // Сибирская деревня: история, современное состояние, перспективы развития: Материалы 4-ой Всероссийской конференции. – Омск, 2002. – С. 6-9.
27. Мирзаев К.Ж. Особенности развития кооперативных (ширкатных) хозяйств в Республике Узбекистан // Сибирская деревня: история, современное состояние, перспективы развития: Материалы пятой международной научно-практической конференции. – Омск. 2004. – С. 87-89.
28. Мирзаев Қ.Ж., Бахронов Ш.А. Қишлоқда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг айрим муаммолари // Кичик бизнес ва тадбиркорларнинг фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 200-202.
29. Мирзаев К.Ж. Особенности развития малого и среднего бизнеса на селе в Узбекистане // Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида

ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш: Халқаро илмий-амалий анжуман материалари. – Тошкент, 2004. – Б. 171-172.

30. Мирзаев Қ.Ж., Жонибеков Ф. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиқларига сервис хизмати кўрсатишнинг айрим хусусиятлари // Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, сервис ва туризм корхоналари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари: Республика илмий-амалий анжуман материалари. – Самарқанд, 2006. – Б. 106-108.

31. Мирзаев Қ.Ж., Сиддиқов А. Агросаноат бошқарувида сервис хизматининг хусусиятлари // Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2007. – Б. 104-106.

32. Мирзаев Қ.Ж. Исломов Ш.М. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишлари // Проблемы прикладных исследований в социологии, психологии, маркетинге реалии и возможности: Материалы международной научно-практической конференции. – Самарқанд, 2008. – С. 77-80.

33. Мирзаев Қ.Ж. Хизмат бозорини шакллантиришда жаҳон амалиётининг муҳим хусусиятлари // Ўзбекистон: туризм, иқтисодиёт ва экология: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2009. – Б. 107-108.

34. Мирзаев Қ.Ж., Сиддиқов А. Агросервис хизматларини ташкил этишнинг муҳим хусусиятлари // Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари: Республика илмий-анжуман материаллари. – Самарқанд, 2009. – Б. 54-57.

35. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис институционал тизимини шакллантиришнинг муҳим асослари // Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари: Республика илмий-анжумани материаллари. – Самарқанд, 2009. – Б. 198-201.

36. Мирзаев Қ.Ж. Аграр соҳада сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хизматларини ривожлантириш йўналишлари // Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолар ва ривожланиш истикболлари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2010. – Б. 321-323.

37. Мирзаев Қ.Ж. Агросервисни ривожлантиришда муҳим имкониятлар // Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда туризмнинг роли: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд, 2010 – Б. 56-59.

38. Мирзаев Қ.Ж. Чорвачиликда агросервисни модернизациялашнинг иқтисодий механизмлари // Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда туризмнинг роли: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд, 2010 – Б. 124-126.

39. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматларини хусусий тадбиркорлик асосида ривожлантириш // Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қуйи Амударё минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омиллари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Урганч, 2011 – Б. 127-129.

40. Мирзаев Қ.Ж. Агросервисни ривожлантириш имкониятлари // Иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш шароитида қуйи Амударё минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омиллари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Урганч, 2011 – Б. 37-39.

41. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш йўллари // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аграр тармоқ рақобатдошлигини ошириш йўналишлари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент. ЎзБИИТИ, 2011. – Б. 131-133.

42. Мирзаев Қ.Ж. К вопросу развития рынка агросервисных услуг в земледелии // Теория и практика учёта, анализа, аудита и статистики в России и странах СНГ: Материалы международной научно-практической конференции. – Тамбов. 2011. – С. 186-188.

43. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматларини ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон тараққиёти ва халқ фаровонлигини ошириш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент. ТДИУ, 2011. – Б. 386-389.

44. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари бозорини шакллантириш: муаммо ва ечимлар // Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2012. – Б. 154-158.

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Мирзаев Кулмамат Джанзаковичнинг 08.00.05. - «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти» ва 08.00.04. – «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» ихтисосликлари бўйича «Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари» мавзусидаги диссертациянинг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: агросервис хизматлари, агросервис тузилмалари, агросервис субъекти, иқтисодиётни диверсификациялаш, агросервисни модернизациялаш, агросервис хизматлари бозори, чорвачилик ва деҳқончилик хизматлари бозори, хизматлар самарадорлиги, хизматлар баҳоси, хизматлар маркетинги, агросервис хизматлари харажатлари, хизмат кўрсатиш рентабеллиги.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон Республикаси аграр тармоқ тизимида хизмат кўрсатувчи агросервис тузилмалари мажмуаси.

Ишнинг мақсади: агросервис хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг методлари: индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик ва иқтисодий таҳлил, динамик қаторлар, илмий абстракциялаш, монографик, таққослаш, корреляция - регрессия, эксперт баҳолаш ва SWOT таҳлили, башоратлаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: агросервис хизматларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва баҳолаш услубиятлари илмий асосланилиб, уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими яратилди; иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш талабларига жавоб берадиган агросервис тузилмаларининг хизматларни диверсификациялашга асосланган таркиби ишлаб чиқилди ва уларни ривожлантиришга ижобий таъсир этувчи омиллар аниқланилиб, улардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди; иқтисодиётни модернизациялаш шароитида деҳқончилик ва чорвачиликда агросервис хизматлари бозорининг тармоқлар бўйича таркибий-функционал тузилмалари SWOT таҳлили ёрдамида илмий асосланди; республикада агросервис хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатлар такомиллаштирилди, шунингдек кластер ёндашуви ва хизматлар харажатларини камайтириш асосида агросервис тузилмалари самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди; чорвачиликда агросервис тизимини модернизациялаш модули ва уни жорий этиш механизмлари таклиф этилди; агросервисни ривожлантиришнинг 2015 йилга мўлжалланган истикбол кўрсаткичлари аниқланилиб, келгусида агросервис хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари ва механизмлари асосланилди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларидан аграр тармоқ тизимида хизмат кўрсатувчи агросервис тузилмалари мажмуасини ривожлантириш, шунингдек, агросервис хизматлари бозорининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларидаги фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Самарқанд вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси томонидан амалиётга қўллаш учун татбиқ этилган. Шунингдек, тадқиқотнинг натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув жараёнида қўллаш учун қабул қилинган.

Қўлланилиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги, Иқтисодиёт Вазирлиги, Фермер хўжаликлар уюшмаси, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Мирзаева Кулмамата Джанзаковича на тему: «Методологические основы повышения эффективности агросервисных услуг» на соискание учёной степени доктора экономических наук по специальностям 08.00.05 – «Экономика отраслей сферы услуг» и 08.00.04 – «Экономика сельского хозяйства»

Ключевые слова: агросервисные услуги, агросервисные структуры, субъекты агросервиса, диверсификация экономики, модернизация агросервиса, рынок агросервисных услуг, рынок животноводческих и земледельческих услуг, эффективность услуг, цена услуг, маркетинг услуг, расходы агросервисных услуг, рентабельность обслуживания.

Объект исследования: комплекс агросервисных структур обслуживающий систему аграрного сектора Республики Узбекистан.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций направленных на совершенствование методологических основ развития агросервисных услуг и повышения их эффективности.

Методы исследования: индукция и дедукция, системный и сравнительный анализ, статистический и экономический анализ, динамические ряды, научная абстракция, монографический, сравнение, корреляционно – регрессионный анализ, экспертная оценка и SWOT анализ, прогнозирование.

Полученные результаты и их новизна: научно обоснованы теоретические аспекты и методика оценки развития агросервисных услуг, а также разработана система показателей, определяющая их эффективность; разработан состав агросервисных структур основанный на диверсификации услуг, отвечающий требованиям либерализации и модернизации экономики; определены факторы, положительно влияющие на их развитие, и предложены пути их эффективного использования; в ходе исследования методом SWOT анализа, научно обоснованы структурно-функциональные строения рынка агросервисных услуг в земледелии и животноводстве по отраслям в условиях модернизации экономики; усовершенствованы экономические взаимоотношения на рынке агросервисных услуг в республике, а также разработаны научные и практические рекомендации по повышению эффективности агросервисных структур на основе кластерного подхода и снижения затрат на услуги; предложен модуль модернизации агросервисных систем в животноводстве и механизм его внедрения; определены прогнозные показатели развития агросервиса на 2015 год, и обоснованы пути повышения эффективности агросервисных услуг в перспективе.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть применены в разработке мероприятий по развитию комплекса агросервисных структур, обслуживающие систему аграрной отрасли, а также повышению эффективности деятельности рынка агросервисных услуг в сферах земледелия и животноводства.

Степень внедрения и экономическая эффективность: полученные научные предложения и практические рекомендации в процессе исследования, приняты для применения на практике Комитетом по аграрным и водохозяйственным вопросам Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, министерством сельского и водного хозяйства, главным управлением экономики Самаркандской области при министерстве экономики Республики Узбекистан, кроме того, результаты исследования были приняты для внедрения в учебный процесс Самаркандского института экономики и сервиса.

Область применения: Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Министерство экономики, Ассоциация фермерских хозяйств, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Mirzaev Kulmamat Djanzakovich on the scientific degree competition of the doctor of economic sciences, specialties 08.00.05 – «Economics in Branch Service» and 08.00.04 – «Economics of the agriculture» subject: «Methodological Basis of Increasing the Efficiency of Agroservice Service»

Key words: agroservice, agroservice structure, agroservice subjects, diversification of economics, agroservice modernization, agroservice market, market of livestock service, service efficiency, profit, service price, marketing service, agroservice service expenses, service profitability.

Subjects of research: the agroservice structure complex activity in agroservice system sector and economics of the Republic of Uzbekistan.

Purpose of work: improvement of methodological basis and agroservice efficiency increase; elaboration of scientifically – grounded proposal and practical recommendations of their inculcation.

Methods of research: induction and deduction, systematical and comparative analysis, statistic and economic analysis, dynamic lines, scientific abstraction, monographical description, comparison, correlative – regressive analysis, expert estimation and SWOT analysis, prognosis.

The results obtained and their novelty: theoretical aspects and methods of estimations of developing agroservice means are scientifically described and the system of indices determining their efficiency is worked out; composition of agroservice structure was created on the base of diversification of service, which responds for the demands of liberalization and economic modernization, determined factors, influencing positively to their development and determined the ways of their effective usage; using of SWOT analysis, substantiated scientifically structural – functional structure of agroservice market in the agricultural and cattle – breeding branches on the condition of modernization of economy; a system of scientific and practical recommendations on rising efficiency of agroservice structure on the base of cluster approach and reduction of prices for services are compiled; modules of modernization of agroservice system in the cattle – breeding and mechanisms of its instillation is offered; determined prognosis indices of developing agroservice to 2015 and proved the ways of rising efficiency of agroservice in perspective.

Practical value: the results of investigation can be used in working out arrangement on developing complex agroservice structure, serving agrarian branch system, and also rising efficiency of activities of market agroservice in the branch of agriculture and cattle – breeding.

Degree of embed and economic efficiency: the received scientific and practical recommendations in the process of investigations were accepted for elaboration at practice by the Committee of agrarian and water economics of Legislative Chamber of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Ministry of agriculture and water resources, Managing Department of Economy of Samarkand region at the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan and moreover were accepted for the application into the educational process of the Samarkand Institute of Economics and Service.

Field of application: Ministry of agriculture and water resources of the Republic of Uzbekistan, Ministry of Economics, Association of Farming Economy, Higher Educational Institutions.

Тадқиқотчи: _____

2012 йил 12 мартда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими А4. Офсет қоғози.
Адади 100 нусха. Буюртма № 32

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 93 уй.

